14 0696

Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

МА'RIFAT • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 12 июнь, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 42 (6739)

Даъват

Маърифатнинг энг юқори даражаси инсоннинг ўзини ва мартабасини билишдадир.

Абу Ҳомид ҒАЗЗОЛИЙ

Ибрат

Марҳамат тумани халқ таълими бўлими «Йил мактаби — 96» курик-танловида голибликни қўлга киритган 13-ўрта мактаб жамоасини таълим-тарбия соҳасида кўрсатган хизматлари учун 50 минг сўм пул мукофоти билан тақдирлади.

Олий ўқув юртларида

ДИПЛОМ ҲИМОЯЛАРИ ЯКУНЛАНМОҚДА!

(Репортаж)

Диплом ҳимояси! Битирувчи курс талабаларининг аксарияти ўзларининг беш йил давомида олган билимларини худди мана шу ҳимояга тайёргарлик ва илмий ишни ёқлаш кунларида синовдан ўтказадилар. Зотан, диплом ҳимояси муваффақиятли якунласангина битирувчи талаба олий маълумотли деган даражага сазовор бўлади. Айни шу кунларда республикамиз олий ўқув юртлари кафедраларида битирувчи талабалар ана шу катта синовдан ўтаётирлар.

Биз олий таълим тизимида кечаётган бу сарҳисоб онларини бевосита кузатиш мақсадида Тошкент давлат дорулфунунининг ўзбек филологияси факультетда бўлдик ва у ердаги ишлар билан танишдик. Ҳамма ерда бўлгани каби бу факультетида ҳам диплом ёқлаш ишлари ниҳоясига етай деб қолибди. Биз у ерда сўнгги ҳимоялар ўтаётганлигининг гувоҳи бўлдик. Мана, факультетнинг энг навқирон «Ўзбек миллий уйғониш даври адабиёти» кафедраси. Бу ерда диплом ҳимояси кундузги бўлим дипломанти Баҳодир Мадраҳимовга тааллуқли экан. Ишнинг мавзуси — «Қодирийнинг маърифатпарварлик қарашлари». Ҳимоя жуда ҳам қизиқарли ва кўтаринки руҳда ўтди. У ерда ҳозир бўлганларнинг ҳеч бири талаба фикрларига, тавсифларига бефарқ бўлишмади. Ўзаро баҳс мунозарага киришиб, битирувчи-талабанинг илмий хулосаларини муҳокама қилишди. Ҳимоя сўнгида Баҳодир Мадраҳимовнинг иши бу йилги диплом ишлари ичида энг яхшиси деб топилди ва битирувчи-талаба номзоди кафедра мажлиси томонидан аспирантурага тавсия этилди.

Диплом иши ҳимоялари тугагандан сўнг биз кафедра ўқитувчилари ҳамда факультет декани, таниқли олим, «Миллий уйғониш даври адабиёти» кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов билан суҳбатда бўлдик.

— Юртимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган яқин беш йил ичида ҳамма соҳада бўлгани каби битирувчи-талабаларнинг диплом иши ёқлашида ҳам жуда катта ўзгариш юз берди, — деди Б. Қосимов. — Аввало илгариги мустабид тузум давридагидан фарқли ўлароқ миллий маданиятимизни бошқатдан тадқиқ этишга студент-ёшларда ҳам қизиқиш кучайгани яққол кўзга ташланмоқда. Шунинг учун ҳам аксарият диплом ишлари илгари ишланмаган янги мавзулардадир. Уларнинг замирида ўтмиш маданиятимиз тарихини ҳаққоний равишда тадқиқ этиш каби долзарб масалалар ётади. Бу мавзуларнинг ҳар бири келажакда номзодлик, қолаверса докторлик даражасини олиш учун қилинажак тадқиқотларга мавзу бўла олиши мумкин.

Кафедра профессор-ўқитувчиларининг таъкидлашича, битирувчи-талабалардан Равшан Қўзиевнинг «Исломий йўл ва Фитратнинг «Мунозара» асари», Марям Матёқубованинг «Профессор Ғ. Каримов архивининг тавсифи» сингари диплом ишлари ўз илмий хулосалари, мавзунинг ёритилиши ва оригиналлиги билан диққатга сазовордир.

Дарҳақиқат, турмушимизнинг турли жабҳаларида бўлгани каби маънавий ҳаётимиз ҳам кун сайин, йил сайин янгиланиб, ўзига хослик касб этиб бормоқда. Буни, юқорида келтириб ўтганимиздек, талаба илмий ишлари ҳимояларида ҳам яққол кўриш мумкин. Биз шу кунларда диплом ҳимояларини муваффақиятли адо этиб, олий маълумотли деган унвонга сазовор бўлган барча битирувчи-талабаларни муборакбод этамиз.

Бурҳон АБДУЛХАЙРОВ.

Олтин ёз — ўтсин соз

Ёз — болалар орзиқиб кутадиган фасл. Тоғларда, боғларда, дарё бўйларида маза қилиб дам олишни, ўйнаб-кулишни истамайдиган бола борми, дейсиз? Уларни кўриб гоҳида катталар ҳам ўзларини тутолмайдилар, болалар қуршовига кирадилар. Бу ажиб ёз ўйинларидан болалар кўнгилларида соз таассуротлар қолишига, таътиллар бир умрга татишига шубҳа йўқ.

Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Оролбўйи болаларидан 4300 нафари республикамиздаги энг яхши оромгоҳларда, жумладан, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари сўлим гўшаларида бепул ҳордиқ чиқариб даволанади.

Уларнинг дам олиш даврида тарихий обидалар билан танишиш, Амир Темур номи билан боғлиқ жойларни зиёрат қилиш ҳам белгиланган. Оролбўйи болаларининг оромгоҳларга бориб келишини ташкил этишга «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси катта ҳисса қўшяпти. Ташкилот уларга бепул хизмат кўрсатмоқда.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов раислигида шу йилнинг 10 июнь куни республика Миллий хавфсизлик кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг транспорт — коммуникация воситалари орқали жаҳон денгиз йўлларига чиқишни таъминлаш, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида АҚШ ҳудудида ўтказиладиган «Кооператив оспрей — 96» машқларида иштирок этиш ҳақидаги ҳамда миллий хавфсизликни таъминлашга доир бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги БМТнинг халқаро Нуфус жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда туғиш ёшидаги аёлларнинг соғлигини яхшилаш ва уларни соғломлаштириш бўйича икки йилга мўлжалланган дастур лойиҳаси ишлаб чиқди. Лойиҳа қиймати қарийб уч миллион долларни ташкил этади.

Тошкентдаги «Динамо» теннис клубининг кортларида «Челенжер» тоифасидаги теннис бўйича хотин-қизларнинг биринчи халқаро турнири очилди. Унда дунёнинг 21 мамлакатидан теннисчи аёллар иштирок этишаяпти.

Халқаро валюта фонди Россияга навбатдаги 330 млн. доллар миқдоридаги кредитни беришни маъқул топди. ХВФнинг бу сийлови Россиянинг иқтисодий ислоҳотлар йўлидан оғишмай илдамлаётганлиги учун берилмоқда, дея таъкидлашмоқда фонд вакиллари.

Бундан олти йил бурун Ироқнинг Кувайтга ҳужуми боис бузилган Араб бирлигини тиклаш ташаббусини Миср президенти Ҳусни Муборак ўз зиммасига олди. Шу мақсадда у Қоҳира, Сурия президентлари билан ҳамда Акаба шаҳрида қирол Ҳусайн ва Фаластин етакчиси Ясир Арофат билан мулоқотда бўлди. Натижада 21 — 23 июнь кунлари Қоҳирада юқори даражадаги умумараб кенгашини ўтказишга келишиб олинди.

Июнь ойининг охирларида бўлиши мўлжалланган Жанубий Африкадан Квазулу-Натал туманида маҳаллий ҳукумат органларига сайловда қатнашувчи барча сиёсий партиялар ўз зиммаларига журналистларни ҳурмат қилиш ҳамда уларнинг сўзларига чидаш мажбуриятини олишди.

ЧИҚМАГАН ЖОНДАН УМИД

Австралиялик сузувчи қиз Суси Мэронининг Гаванада бошланган сафари тундаги бўронда ҳалокатга учради. Аҳвол хароб эканлигига қарамай, қатъиятли сузувчи суза-суза АҚШга яқинлашиб келаверди ва мақсадига эришди. Афтодаҳол спортчи — талабани Флорида шаҳридан 10 мил узоқликда қутқариб қолишди.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСАР

АҚШда яна бир илмий тадқиқот муваффақиятли якунланди. Вертикал равишда кўтарилиб қуна олувчи ҳамда куп бора фойдаланиш имконияти бўлган космик ракета синовдан ўтказилди. Оғирлиги 2000 фут келадигани бу «лочин» яқин келажакда Шатлл космик ракеталари ўрнида ишлатилиши мумкин.

ТОМА-ТОМА КЎЛ БЎЛУР

Миллий Фанлар Ташкилотининг хабарига кўра, 1995 йилда АҚШ университетларида аввалгиларига қараганда жуда кўп докторлик илмий ишлари амалга оширилган.

ХИТОЙ ТАБИАТИ МУҲОФАЗАДА

Халқаро табиатни муҳофаза қилиш куни сабабли Хитой ҳукумати иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида атроф-муҳитни ифлослантирмасликка чақирди. Хитой давлат кенгаши чиқарган қарорда ноёб табиат масканларини сақлаб қолиш, атроф — муҳитни муҳофазага олиш ҳақидаги қонунлар қайд этилди.

ПРЕЗИДЕНТГА МУКОФОТ

Президент Б. Клинтон «Жамоат тарихчиси» журналининг мукофотини қўлга киритди. Бу журнал АҚШ ҳукумати ишларида тарихдан энг яхши ва энг ёмон фойдаланувчи кишиларни аниқлаб боради.

Акс-садо

Дала-даштта, экин-тикинга ўлат оралаб қолганини эшиттан ҳар бир деҳқон, одатда, дарҳол ўз томорқасидан хабарлашади. Касаллик аломатлари экинзорида пайдо бўлаётганини сезса, дарров, олдини олишига, пайини қирқишга киришади. Куни кеча Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида бўлиб ўтган навбатдан ташқари илмий кенгаш ҳам нимаси биландир ўша ҳушёр ва меҳнатсевар деҳқонларнинг хатти-ҳаракатини эслатади. Чунки бу илмий кенгашда «Халқ сўзи» ва «Маърифат» газетасида эълон қилинган «Тест ўғрилари» номли мақола муҳокама қилинди. Хўш, мақолада қаламга олинган, олий ва ўрта махсус билим юртларига абитуриентларни қабул қилишдаги хато ва камчиликлар, салбий ҳолатлар институт фаолиятига ҳам таъсир эттанми? Таъсир этган бўлса бундай «хавфли касаллик»нинг олдини олиш учун нималар қилмоқ керак? Илмий кенгашда асосан шу долзарб саволлар ўртасида қизғин муҳокамалар бўлиб ўтди.

— «Тест ўғрилари» мақоласида тилга олинган жиноий хатти-ҳаракатлар ҳеч қачон кўз юмиб бўлмайдиган аччиқ ҳақиқатдир, — деди институт ректори, тарих фонлари доктори Б. Қодиров.

ҲУШЁРЛИК – СОҒЛОМ МУҲИТ ГАРОВИ

— Биз уни хаспўшлашга эмас, зудлик билан институт миқёсида ўшандай «холис хизматчи акажон»лар кўмагида талабалар сафидан жой олиб қолганлардан тозалаш ўтказишимиз зарур.

Илмий кенгашда сўзга чиққан институт факультетларининг деканлари, кафедра мудирлари ва бошқа ўқитувчи-профессорлар ҳам «Тест ўғрилари» мақоласида тилга олинган жиноий фактлар ҳақиқат эканини афсус билан таъкидлаб, жиноятчиларга тайинланган жазоларни қўллаб-қувватлашди.

Йиғин давомида, деканларнинг, ўқитувчиларнинг мунозараларида шу нарса маълум бўлдики, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти талабалари орасида ҳам «кўринмас қўллар» ёрдамида талабалик партасига ўтириб олганлар талайгина экан. Бу ҳол, айниқса, ўттан қишки ва ёзги синов имтиҳонлар пайти яққол сезилиб қолди. Кириш имтиҳонларида энг юқори баллни тўплаб, талаба бўлган абитуриентлар ҳам олий таҳсилнинг биринчи синов имтиҳонлари давридаёқ қаттиқ қоқила бошладилар. Рейтинг синовлари пайти улар тўплаган балл ҳам қулгули ҳам ачинарлидир. Бундай «билағон» талабаларнинг кўпчилиги ўқишни давом эттиришларига кўзи етмай, ўз ихтиёрларига кўра институт билан хайр хўшлашмоқда, баъзиларига эса институт маъмурияти гуманизм нуқтаи назаридан қўшимча синов-имтиҳон муддатлари беришди. Ушбу муддат ичида ўша талабалар ўзларини ўнглаб олишмаса, начора, уларнинг ҳам «калишини ўнглаб қўйишга» тўғри келади...

Йиғин охирида илмий кенгаш қатнашчилари қарор қабул қилдилар.Қарорда институт жамоатчилиги «Тест ўғрилари» мақоласида тилга олинган салбий ҳодисалар институт миқёсида юз бермаслиги учун барча эътибору ҳушёрликни, куч-қувватни ишга солиши таъкидлаб ўтилган.

Л. БЎРИЕВ.

Бугуннинг гапи

ЁМОН ҚОВУННИНГ УРУҒИ

Кейинчи йилларда сигарета деб аталмиш матоҳнинг турлари шу даражада кўпайиб кетдики, санаб саноғига етолмай қолдик. «Малборо», «Родопи», «Президент», «Бонд», «ЛМ», «Палл-Малл» ва ҳоказо. Американинг, Европанинг ўзига хос сигаретлари қаторига яқинда ўзимизнинг «Хон», «Саратон» деб аталган «чарчоқбосди воситамиз» ҳам қўшилди. «Местний» бу маҳсулотлар «Шарқона лаззат» деган ёзув билан чиқарилиб, тижорат дўконларига афишасифат қилиб ёпиштириб қўйиладиган бўлди. Нима ҳам дейсиз, бу замона зайли бўлиб қолди. Турли хорижий давлатлардан келтирилган бу сигаретларнинг бозори жуда чаққон бўлиб қолди-да. Тошкент шаҳридаги Отчопар» (замона зайли билан бу ерда отлар чопмайдиган бўлди) бозорида, тижорат дўконларида, кўчакўйда ўзларини ажабтовур «бизнесмен» деб атайдиган йигитчалар, жувонлар, чол-кампирлар, ҳаттоки, ногиронлар ҳам сигарета пуллайдиган бўлишди. «Отчопар» бозоридан «оптом» олинган мол устама нарх билан пулланмоқда.

...Аммо ўйлаб кўрайлик, сигаретларнинг сотуви, кашандаликнинг авж олиши охир-оқибатда бизга нима келтиради? Нега бу ҳақда ўйлаб кўрмаймиз?

Сигарета таркибидаги никотиннинг ўта заҳарли модда эканлигини, у нафас йўлларини, танадаги бошқа ички аъзоларни зарарлашини билган зиёлиларимизнинг, билмаган ўсмир акаукаларимизнинг ана шу ярамас одатга ружу қўяётганларига фақат ачиниш керак. Бу билан улар ўз соғликларига путур етказадилар, холос. Демак, бу билан бутун жамиятимиз касалланади.

«Чекиш зарарли» деган эслатмани ҳар бир сигарета пачкасида ўқиш мумкин. Аммо чекувчилар барибир чекавершади. Хумор қилса ёмон-да. Пачкалаб олишга пулини қизғонадиган кашандага, марҳамат, доналаб сотиб олиш имкони бор. Бу кашданинг хуморини ёзади, «тижоратчи»нинг бозорини чаққон қилади. Икки ёқлама «фойда», яъни сих ҳам, кабоб ҳам қуймайди.

Катта ёшдаги чекувчилар кичикларга ўрнак бўлишмоқда. Яъни оталарининг, акаларининг сигарета чекишини кўрган, кузатаётган ёш йигитчалар, ҳатто қизлар «қизиқ» учун татиб кўриб, бунга ўрганиб қолишаётгани ташвишлантиради кишини. Бундан бир неча йиллар муқаддам «Туркистон» (собиқ «Ёш ленинчи») газетасида пайшанба кунини чекишга қарши кун деб эълон қилишганди. Журналист Ислом Усмоновнинг ташаббуси билан бошланган бу ишда ўша куни барча кашандалар чекмасликка ундалар, газетада ишлайдиган чекувчи ижодкорларнинг ҳам иродалари синаб кўриларди. Аммо бундай анъаналар ҳозир унутилиб кетди...

Ривожланган давлатлардан бири АҚШда 21 ёшга тўлмаганларга сигарета сотиш қатъий тақиқланган. Қолаверса, у ерда мамлакатнинг ўзида сотиш учун чиқарилаётган бу матоҳ таркибидаги никотин миқдори қатъий назорат қилинишини кўпчилигимиз билмаймиз. Биз-чи, биз қаёққа қараяпмиз?

... Бу ҳақда жуда кўп марталаб айтилди, айтилмоқда ва яна айтилаверади. Журналистлар таъбири билан айтганда, чекишга қарши тарғибот «эскирмайдиган мавзу». Аммо соғлиқни сақлаш ташкилотлари тарғиботчиларга эш бўлган ҳолда, чекишга қарши тадбирлар, анъаналарни қачон ўтказадилар?

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

ОМОНАТ ДАФТАРЧАЛАРИ БЕРИЛДИ

Қадимдан шундай, савобга бел боғлаган кам бўлмайди. Зеро, «савоб», «увол» тушунчалари ёнма-ён юрган. «Савоб» тушунчасининг замирида меҳр-оқибат, эътибор, хайр-садақа, муҳтожларга, ва ғарибларга мурувват кўрсатиш, ёрдам қўлини бажонидил чўзиш хислатлари ётади.

Тошкент шаҳрида юзлаб шаҳарчалар мавжуд. Қандай шаҳарчалар дейсизми? Эҳе, улар бисёр. Талабалар, Шифокорлар, Академиклар, Самолётсозлар, Профессорлар ва ҳоказо. Талабалар шаҳарчасининг эндиликдаги номи «Ёшлик» деб аталишини ҳали кўпчилик билмайди. Собир Раҳимов тумани ҳудудидаги бу шаҳарчанинг аҳолиси 45 минг, улардан 10 минг нафари талабалардир.

«Ёшлик» шаҳарчаси ҳокимлиги ва шаҳарча «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлими савоб ишнинг бошловчиси бўлди. «Сўнгги қўнғироқ» чалинган куни улар 29, 243, 249, 261-мактабларнинг 10 нафардан аълочи ўқувчиларига 1200 сўмдан омонат дафтарчаларига қўйилган стипендия ҳамда 10 нафардан бошланғич синф ўқувчиларига 1000 сўмдан юқори фоизли мақсадли омонат дафтарчаларини топшириш маросимини ўтказдилар.

Мухбиримиз.

МММ

ХАБАРЛАРИ

ЙЎЛ ҚОИДАСИ — УМР ФОЙДАСИ

Яқинда Марҳамат туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида туман мактаблари ўқувчиларининг «Светофор-96» кўрик мусобақаси бўлиб ўтди. Мактабларо туман биринчилиги учун ўтказилган мазкур мусобақада 16-мактабнинг «Яшил чироқлар» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

Мусобақа ғолиблари туман халқ таълими бўлими, болалар ва ўсмирлар ижодий маркази томонидан фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

БУХОРОДА ТЎЙ

Бухоро давлат университети катта йиғингоҳида университет жамоаси ҳамда вилоят Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ҳамкорлигида Файзулла Ҳўжаев таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кеча ўтказилди. Мазкур кечада Файзулла Ҳўжаев ҳаётига бағишланган «Мен яшашни истайман» романининг муаллифи, ёзувчи Нусратулло Наимов, филология фанлари номзоди, доцент Ғайрат Муродовлар таниқли раҳбар, ўткир публицист юртдошлари ҳақида йиғилганларга сўзлаб бердилар.

Бухорода Файзулла Ҳўжаев кунлари давом этмоқда.

ҚУВНОҚ ЎЙИНДА ҚУВНАНГ

Термиз шаҳридаги 9-мактаб спорт залида «Қувноқ стартлар» телеўйинининг вилоят биринчилиги бўлиб ўтди. 14 команда ўзаро куч синашган мазкур мусобақа маррасига Узун туманидаги 24-мактабнинг «Оқ олтин», Шеробод туанидаги 14-мактабнинг «Шеробод» командалари биринчи бўлиб етиб келишди.

Улар энди республикада Сурхондарё шарафи учун курашадилар.

БОҒДАГИ БЕЛЛАШУВ

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номли боғда «Амир Темур ва темурийлар салтанати» мавзусида «7+1» телеўйини бўлиб ўтди. Унда Гулистон давлат университетининг «Турон» ҳамда Тошкент давлат университетининг «Тожмаҳал» командалари ўзаро баҳслашдилар. «7+1» телеўйинида ҳар бир жамоадан номерланган етти нафар талаба иштирок этди. Барча саволларга тўғри жавоб бериб, ўзларининг билимдонликларини кўрсата олган Гулистон давлат университетининг «Турон» жамоаси мусобақа ғолиби деб топилди.

МУАЛЛИФЛАР; А. ЭРАЛИЕВ, Д. ЖАББОР, Н. ТЎРАЕВ, О. ЖАЛИЛОВ,

МММ

ХАБАРЛАРИ

Август кенгашларига

ҲОЗИРЛИК БОСҚИЧИ

1996—97 ўқув йили ҳам якунланиб бормоқда. Шу боис ҳам бугун ўқитувчилар йиллик меҳнат таътилига кетишларидан аввал август ойида бўладиган анъанавий кенгашларда муҳокама қилинадиган муаммо ва вазифаларни белгилаб олмоқдалар. Хўш, бу борада Халқ таълими вазирлиги ўқитувчилар олдига қандай вазифаларни қўяди? Қандай ҳужжатлар, тавсиялар ишлаб чиқилаётир?

Энг аввало, янги ўқув дастурлари ҳақида. Ҳозирча 7 та янги ўқув дастури муҳайё қилинди. Умумтаълим мактаблари учун янги ўқув йилидан бошлаб лотин ёзувидаги ўзбек алифбосига бағишланган 2 та муқобил ўқув режаси тайёрланди. 1—8-синфлар учун мусиқа бўйича янги дастур чиқариш режалаштирилган. «Давлат ва ҳуқуқ асослари» фани бўйича ўзбек ва рус тилларидаги дастур ҳам ўқитувчилар қўлига бориб тегади. Таълим рус тилида олиб бориладиган мактаблар учун «Ўзбек тили ва адабиёти» фанидан янги дастур чоп этилиш арафасида. Юқори синф ўқувчилари учун лотин ёзувидаги ўзбек алифбоси бўйича факультатив машғулотлар учун юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган дастур ҳам янги ўқув йилида мактабларга етказилади.

Янги дарсликлар ҳам чиқарилаётир. 1-синфлар учун лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосида дарсликлар мажмуаси тайёрланди. Математикадан 5-синфлар учун қўлланма ўзбек ва рус тилларида 9-синфлар учун «Материклар географияси», «Давлат ва ҳуқуқ асослари» дарсликлари чоп этилмоқда. Р. Толипова таҳрири остида 2—5-синфлар учун «Русское слово» деб номланган синов-дарслик чиқарилаётир. «Иқтисодий билим асослари» курси бўйича қўлланма ва дастурни чоп этиш ишлари ҳам ўз ниҳоясига етмоқда.

Республикамиздаги таълим қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб бориладиган мактаблар ҳам янги ўқув йилида таржимадан чиққан қўлланмаларни оладилар. «Ўзбекистон» нашриётида «Атрофимиздаги табиат», «Табиатшунослик», «Ўзбекистон халқлари тарихи» — жами 6 номдаги янги қўлланмалар чоп этилиш арафасида. «Ўзбекистон географияси» қўлланмаси таржима қилинди. Шунга ўхшаш бир неча ўқув қўлланмалари ва дастурлари таржима қилиниб, чоп этишга тайёрланди. «Умумий тарих», «Инсон ва жамият» фанлари бўйича дарсликлар ва қўлланмалар ҳозирча чоп этилмаганлиги учун республика Таълим илмий-методика маркази ходимлари бу фанлардан дарсларни тематик режалаштириш мақсадида ўз тавсияномаларини тайёрлашмоқда.

Барча таълим муассасаларида август ойида бўлиб ўтадиган анъанавий кенгашларда муҳокама қилиниши зарур бўлган муаммолар ва вазифалар белгилаб олинмоқда. Бу масалалар орасида битириш имтиҳонлари ва, айниқса, компьютерларда олинган имтиҳонлар натижалари ҳар бир педагогик жамоада, туман, шаҳар халқ таълими кенгашларида муҳокама қилиниши керак. Шу билан бир қаторда синфдан-синфга кўчириш имтиҳонлари ўрнига ўтказилган назорат ишлари, турли усулдаги синов натижалари ҳам таҳлил қилиниши муҳимдир. Вазирлик синфдан-синфга кўчириш имтиҳонларининг бекор қилиниши бўйича ўқитувчилар фикри билан қизиқади. Синов тариқасида таълим муассасаларида ўқувчилар билимини баҳолашнинг кўп баллик (рейтинг) тизими жорий қилиниши (ХТВнинг шу йил 23 майдаги 115-сонли буйруғи) ҳам муҳокамаларга қўйилиши, бу борада тўпланган тажриба билан танишиш тавсия қилинади.

Республика Халқ таълими вазирлиги 1996 йил 29 апрелда 92-сонли «Халқ таълими муассасаларида иқтисодий таълим-тарбияни такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқни қабул қилди. Бу буйруқ асосида иқтисодий билимлар 1—4-синфларда «Алифбе», «Ўқиш китоби», «Математика» дарсликлари таркибида, 5—8-синфларда «Иқтисод сабоқлари» айрим фанлар таркибида, 9—11-синфларда эса «Иқтисодий билим асослари» алоҳида фан сифатида ҳафтасига бир соатдан ўқитилади.

Янги ўқув йилидан 1-синфларда лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтилиши муносабати билан бошланғич синф ўқувчиларининг бу соҳадаги тайёргарлик даражасини кўриб чиқиш зарур. Фанлар олимпиадаларининг ўтказилиши, унинг якунлари ва муаммолари ҳам ўқитувчилар жамоаларида атрофлича ўрганилиши, ҳар бир ўқитувчининг ва олимпиада иштирокчисининг ишига алоҳида баҳо берилиши лозим.

Халқ талими вазирлигининг 1996 йил 30 майда «Янги турдаги таълим муассасалари — лицей ва гимназиялардаги таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, ягона ва вариатив ўқув режалари ҳақида»ги буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруқ асосида республикадаги барча лицей ва гимназиялар учун вариатив ўқув режалари тасдиқланди. Янги ўқув йилида 2 сентябрь куни барча ўқув муассасаларида биринчи дарс — «Мустақиллик дарси» бўлади. Ўқитувчилар бу дарсларда Ўзбекистоннинг беш йил давомида иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳаларда қўлга киритган ютуқлари ҳақида суҳбатлар ўтказадилар.

Бу суҳбатларда шунга эришиш керакки, унинг қатнашчилари — ўқувчилар мамлакат мустақиллигининг туб моҳиятини чуқур англаб етсинлар, уларнинг қалбларида она-Ватан билан фахрланиш, эл-юрт иши учун фидойилик туйғулари янада жўш урсин, бугунги олаётган билимлари эртанги кунга тайёргарликнинг таянчи эканлигини ҳис қилсинлар. Шу боис «Мустақиллик дарси»га ҳар бир ўқитувчи ёз бўйи пухта тайёргарлик кўриши, унинг ўқувчилар ёшига мос мазмун ва шаклини танлаши, қисқаси, дарс самарадорлигини таъминлаши зарур. Зотан, биринчи дарснинг руҳи бутун ўқув йили давомидаги таълимнинг психологик жиҳатларига дебоча бўлишини унутмаслик зарур.

Айни кунларда умумтаълим мактаблари, ҳунар билим юртлари ўқитувчиларининг ёзги таътиллари бошланаяпти. Биз ҳар бир ўқитувчи дам олишга кетишдан аввал ўзининг август кенгашларида қиладиган маърузалари мавзуларини билишларини хоҳлардик. (Қаралсин: «Маърифат», 5 июнь сони). Шундай қилинса, август кенгашининг ҳар томонлама пухта ва сермазмун ўтказилишига замин ҳозирланган бўлади.

Г. АЛИМОВА,
Республика Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим-бош бошқармаси бошлиғи.

ТАРАДДУД

Мактабларда машғулотлар тугаб, ўқувчилар ёзги таътил ҳаловатини тота бошлаганига кўп фурсат ўтмади. Лекин кўпгина мактабларда ҳамон ўқувчиларнинг қувноқ ва ўктам овози эшитилиб турибди. Чунки улар жонажон ўқув масканларини таъмирлашда ўқитувчиларига яқиндан кўмаклашишмоқда. Хусусан пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Ҳабиб Турсунов номли мактабнинг юқори синф ўқувчилари ҳам шундай хайрли ишга қўл уришган.

Суратларда: ўқувчилар таъмирлаш юмушлари пайтида; мактаб директори Жамолиддин Эшбоев ўқувчилар билан навбатдаги вазифаларни маслаҳатлашмоқда; чет тили ўқитувчиси Ҳабиба Тиловолдиева қизларга самимий кўмак учун ташаккур билдирмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Лотин алифбосини ўрганамиз

ЁЗУВ ДАФТАРИ

Лотин алифбосини ўрганиш бўйича таълим тизимининг барча бўғинларида факультатив машғулотлар учун мўлжалланган «Ёзув дафтари» ва ундан фойдаланишга доир «Методик тавсиялар» номли қўлланма «Кўҳи-Нур» фирмасининг буюртмаси билан «Камалак» нашриётида чоп этилди.

Қўлланма УзПФИТИ катта илмий ходими, ТДИУ доценти Суннатилла Ризаев билан Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 192-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Озода Ризаевалар томонидан тузилган бўлиб, у қирқ саҳифани ўз ичига олади.

«Ёзув дафтари»да лотин алифбосидаги ҳар бир ҳарфнинг ёзма бош (катта) ва кичик шакллари, босма бош (катта) ва кичик шакллари, ҳарфларнинг номи ҳамда ёзилиш намунаси келтирилган.

Тузувчи-муаллифларнинг таъкидлашларича, янги алифбодаги ҳар бир ҳарфнинг ёзилиш намунаси асосида (қўл ҳаракатининг йўналишини бузмаган ҳолда) бўш қолдирилган катакларга ҳарфларни чиройли ҳуснихат билан ёзишни ҳамда ҳарфларни бир-бирига қўшиш йўлларини ўқувчиларимиз мустақил ўрганиб олишлари мумкин.

Ўқувчиларимизга янги алифбодаги ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш ва ўқишни ўрганиб олганларидан сўнг «Ёзув дафтари»нинг 18-40 саҳифаларида ўн бир хил турли машқлар, қизиқарли топшириқлар келтирилган. Жумладан, берилган босма шаклдаги сўзларни ўқиш ва уларни 3-4 мартадан кўчириб ёзиш, шеърлар, мақоллар, топишмоқлар, тез айтишлар ва ҳикматли сўзларни ўқиш ва уларни ёзма бажариш, нуқталар ўрнига тушириб қолдирилган ҳарфларни қўйиб кўчириш машқлари берилган. Бундан ташқари, ўқилиши ва ёзилишида қийинчилик туғдирадиган «нг», «ж» (сирғалувчи «ж» алоҳида, портловчи «ж» алоҳида) «е, ё, ю, я» тутуқ белгиси бор бўлган ва янги имлода тутуқ белгиси бўлмайдиган сўзларни кўчириб ёзиш машқлари, келтирилган ҳарфлар иштирокидангина ундан зиёд сўзлар ўйлаб топиш машқларини кўриш мумкин. Шунингдек, белгиланган маълум вақт ичида ким тез кўп сўз топа оладиган ҳамда тўғри ёза оладиган ўқувчиларнинг топқирлик ва зукколик қобилиятларини синаб кўришга мўлжалланган унли ва ундош ҳарфлардан иборат оқ ва қора катакчалар юзасидан ўтказиладиган топшириқларнинг мажмуаси нафақат умумтаълим мактаблари ўқувчиларига, балки кенг халқ оммасига ҳам муҳим қўлланма бўлиб хизмат қила олади.

Қўлланма Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Республика таълим илмий методика маркази бошланғич таълим шўъбасининг кенгайтирилган илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган бўлиб, у 20 минг нусхада чоп этилган.

Вилоят, шаҳар, туман таълим идоралари мутасадди ходимлари томонидан жамоа бўлиб, қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

700097, Тошкент-97, Чилонзор мавзе «ц 1» 4 уй, 7 хона. «Кўҳи-Нур» фирмаси.

Республика саноат қурилиши банкининг Тошкент шаҳри Қатортол бўлимидаги ҳисоб рақами: 0006644764 МФО 172628320.

Ҳурматли ўқитувчилар, амалиётчилар ва тарбиячилар!

Ҳадемай биринчи сентябрь ҳам келиб қолади. Чунки Қонунга кўра, 1996 йилнинг биринчи сентябридан эътиборан умумтаълим мактабларининг биринчи синфларида лотин алифбоси босқичма-босқич ўтилиб, 2005 йилнинг биринчи сентябригача эса Республикамизда ёппасига ўқитувчиларимизни бозор иқтисодиёти шароитида зарурий ўқув дарсликлари ва қўлланмалари билан тўлиқ таъминлай олмаслиги мумкин. Мавжуд адабиётлардан эркин ва ижодий фойдаланишингизни тавсия этамиз.

Т. АБДУЛЛАЕВА.

Мактабгача тарбия муассасаларида

БИБИРАЖАБ ОПАНИНГ «ДЎМБОҚЧА»СИ

Урганч шаҳридаги «Дўмбоқча» болалар боғчасига қадам ранжида қилгудек бўлсангиз, сизни истараси иссиққина, хушмуомала бир аёл кутиб олади. Чеҳрасидан доимо меҳр нури ёғилиб турадиган бу аёл шу боғчанинг мудираси Бибиражаб Матёқубовадир.

Бу жажжилар масканида 150 нафар кичкинтой камолга етмоқда. Уларнинг ота-оналари ҳар куни эрталаб болаларини ишончли қўлларга — «боғча опа»ларига топшириб, хотиржам ишга кетадилар. Болакайлар эса режим бўйича сермазмун машғулотларга шўнғиб кетадилар.

Боғчада 8 гуруҳ бўлиб, шунинг иккитаси ясли гуруҳидир. Бу тарбия муассасасида нутқида камчилиги бор болалар билан шуғулланиш йўлга қўйилган. Шу боисдан ҳам боғчада меҳнат қилаётган 18 нафар тарбиячининг 6 нафари логопед мутахассислигига эга.

Боғчада икки йилдирки тайёрлов гуруҳларига лотин ёзуви ўргатилмоқда. Июнь ойида тайёрлов гуруҳида «Алифбе» байрами ўтказиш режалаштирилмоқда.

— Давр билан ҳамнафас қадам ташлашга интилаяпмиз, — дейди мудира. — Кичкинтойлар учун «Ёш тадбиркорлар», «Меҳнат» тўгаракларини ташкил этганмиз. Шунингдек, боғчамизда «Кўғирчоқ театри» ва «Дўмбоқча» ансамбли ҳам фаолият кўрсатмоқда...

Боғча мудираси меҳнат жамоаси ҳақида тўлқинланиб гапиради. Унинг ўз касбига меҳри ва ихлоси баланд эканлиги шундоққина сезилиб турибди. Бу ерда яқингинада ташкил этилган «Болалар хиёбони» ва «Ҳайвонот боғи» боғчадаги экология қўмитасининг фаолияти, тикувчилик цехи ва шунга ўхшаш қатор ишлар Бибиражаб опанинг фидойилигидан, меҳнат жамоасининг аҳиллигидан далолат беради.

Ҳамкорликда ҳикмат кўп, дейишади. «Дўмбоқча» болалар боғчаси билан ота-оналар алоқаси, шаҳардаги 2-мактабнинг ҳамда оталиқ ташкилоти — вилоят ички ишлар бошармаси ёнғиндан сақлаш бўлимининг ҳамкорлиги ҳавас қилгудек тарзда йўлга қўйилган.

Кичкинтойлар тарбия маскани ўз Низомига эга. Бу ерда сўзи билан иши бир бўлган ажойиб инсонлар меҳнат қилишади. Роҳатжон Иброҳимова, Гулбаҳор Ўданова, Зулхумор Ботирова, Бибижон Қаландарова каби меҳри дарё тарбиячилар шулар жумласидандир. Улар меҳнат жамоасининг фахри ҳисобланадилар.

Исмоил ОЛЛАБЕРГАНОВ.

Танлов

МАТЛУБА — ФАОЛ ЎҚУВЧИ

Яқинда Усмон Юсупов туманидаги Норчи Нуриддинов номли ўрта мактабда «Йилнинг энг фаол ўқувчиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда зиё масканининг 17 нафар аълочи ўқувчиси иштирок этди. Танлов якунида 10-синф ўқувчиси Матлуба Исаева биринчи, 9-синф ўқувчиси Марҳабо Зарипова иккинчи, ҳамда 10-синф ўқувчиси Икромжон Орзиевлар учинчи ўринга муносиб деб топилди. Ғолиблар «Адолат» социал-демократик партияси туман қўмитасининг қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Файзулла ЭШҚУЛОВ.

ДАРҒОМ ТАРОНАЛАРИ

Мустақиллигимизнинг беш йиллиги олдидан ўтказилаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг Самарқанд вилоятида ўтказилган якунловчи босқичида қўшиқчиликнинг тўрт жанри бўйича ғолиблар аниқландилар.

Паст Дарғом туманидаги «Дарғом тароналари» хор жамоаси аъзолари ушбу кўрикда вилоятда биринчи ўринга лойиқ деб топилдилар ва республика кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Д. ЙЎЛДОШЕВА.

Бизни ташвишлантираётган муаммолар

КЕЧКИ МАКТАБЛАР ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Бир вақтлар кундузги мактаблар ҳузурида кечки синфлар бўларди. Уларда минглаб ишчи-ёшлар ва катталар ўқишарди. Қачонлардир кечки мактабда ўқиб ўрта маълумот олган, олий ўқув юртини ҳам сиртдан ўқиб тугатган кишилар орасидан бугун кўплаб олимлар, шоирлар, таниқли кишилар етишиб чиққанлиги сир эмас. Таълим бошқарувчилари, ўқитувчилар, ишбилармон раҳбарлар, халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган етук кадрларнинг бир қисми кечки мактабларнинг битирувчилари бўлишган. Турли ёшда бўлишларига қарамай, синфдошлик, дўстлик туйғулари уларда кучли бўлган.

Ҳозир-чи? Ҳозир ундай эмас, назаримда. Кечки мактаблар ҳам, унда ўқувчилар сони ҳам йилдан йилга камайиб бораяпти. Кечки синфларда дарс беришга ҳавасманд ўқитувчиларни топиш қийин. Ҳозир вилоятимиз бўйича бор-йўғи 9 та кечки мактаб қолган. Улар Бухоро, Ғиждувон, Когон шаҳарларида, Қоракўл, Бухоро туманларидадир. Улардаги синфлар сони юзтага, ўқувчилар сони эса бир ярим мингтага ҳам бормайди.

Вилоятнинг бошқа туманларида эса умуман кечки ишчи-деҳқон ёшлари мактаби, катталар учун ўрта умумий маълумот берувчи ўқув марказлари ташкил этилмаган. Шофиркон, Ромитан, Пешку, Жондор, Олот туманларида нега кечки ишчи-деҳқон ёшлари мактаби, катта ёшдагилар учун ўқув марказлари ташкил этилмаган. Бунга имкон йўқми ёки эҳтиёж? Ёки бу жойларда ўрта умумий маълумотни олишга муҳтож кишилар йўқми?

Мавжуд кечки мактабларда ҳозирги аҳвол қандай? Бу саволларга жавобни фақат вилоят халқ таълими бошқармаси ва унга бўйсунувчи ташкилотлардан талаб қилиш унча ўринли бўлмас. Адолат юзасидан гапирганда вилоят халқ таълими бошқармаси Узбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида белгиланган сиёсатни амалга оширишга ҳисса қўшмоқда. ВПХМОИ ҳузуридаги кечки мактаблар маҳкамаси ушбу илм маскани раҳбарларига, ўқитувчиларига услубий ёрдам бериш, илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва ёйишда бир мунча саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Кечки мактабларда тез-тез дарс таҳлиллари ўтказилади. Турли мавзуларда услубий хат ва тавсиялар берилиб, семинарлар, гуруҳли маслаҳатлар, кенгашлар бўлиб турибди. Бухоро тумани ва Ғиждувон шаҳар халқ таълими бўлими методика кабинетлари билан бу борада доимий ҳамкорлик ўрнатилган.

Кечки мактабларнинг фидойи, изланувчан, тадбиркор раҳбарлари, ижодкор ўқитувчилари бор. Айни пайтда бу мактаблар ҳаёти билан боғлиқ бир талай муаммолар ҳам йўқ эмас.

Хусусан, бинолар талабга жавоб бермайди. Айниқса, вилоят маркази Бухоро шаҳридаги 1,3-мактаб биноларининг эски ва ниҳоятда қўримсиз қиёфада. Уларнинг на жорий, на капитал таъмирланишига эътибор бор? 2-кар-соқов ёшлар ўқийдиган мактаб синфхоналари эса ётоқхонада жойлашган. Қолаверса, андозали кўргазмали қуроллар, техника воситалари, ЭҲМ аппаратлари, кимё ва физика фанларини ўқитиш учун зарур асбоб-ускуналар берилмаяпти. География, тарих фанларидан хариталар йўқ. Ўқувчилар дарслик билан таъминланмаган. Бунинг устига молиявий аҳволни ўнглаш учун вилоят ҳокимлиги, Республика Халқ таълими вазирлигининг аралашуви ва эътибори зарурдир. Тўртинчидан, кечки мактабларда ўқийдиган ишчи-ёшлар ишлайдиган корхона ва муассасалар бозор иқтисоди қийинчиликларини рўкач қилиб, кечки мактабларга ҳомийлик қилмай қўйдилар. Эндиликда, кечки мактаблар ишини янгича ташкил этиш, ўқув дарсликлари ва дастурларни янгилаш, тингловчиларнинг касб-кори, ҳунар-техника маҳоратларини ошириш хусусида ўйлаб кўрилса, яхши бўларди. Узбекистон республикаси Халқ таълими вазирлиги Таълим илмий-методика маркази «Кечки сиртқи умумтаълим мактаблари ва катталар таълим марказлари учун 1995—1996 ўқув йили ва 2000 йилгача бўлган таянч ўқув режалари»ни ишлаб чиққандан бери бир ўқув йили ўтди. Таянч ўқув режаси талабига биноан, ёшлар ўзлари қизиққан касбнинг дастлабки тайёргарлигини олиш ёки аралаш касб-ҳунар эгаллаш учун X—XII синфларда касб таълими синфларда очилиши керак. Аммо бундай хайрли ишларни ҳозирги кечки мактаблар моддий базаси пухта эмаслиги туфайли амалга ошириб бўлармикан? Хуллас, кечки мактаб муаммоларини ечиш лозим. Булар кўп ва хилма-хилдир. Зеро, бунга бефарқ қараб бўлмайди.

Шавкат ҲАМИДОВ,
Бухоро вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институтининг мактабларни бошқариш кабинети мудири.

ИШБИЛАРМОНЛАР ЛУҒАТИ

БОЗОР КОНЪЮНКТУРАСИ — бозорларда муайян ҳолатларнинг мавжудлиги. Бозор конъюнктураси муайян даврдаги бозор ҳолати, бозорда мувозанатнинг мавжудлиги ёки бузилганлиги билан характерланади. Шунга кўра, бозор конъюнктураси ижобий ва салбий, қулай ёки ноқулай бўлиши мумкин. Бозор конъюнктураси талабнинг ошиши билан характерланса, сотувчи учун қулай, чунки у товарини қимматга сотиб, ортиқча даромад кўради. Агар бозорда таклиф ортиқлик қиладиган бўлса, конъюнктура харидор учун қулай бўлади — товарни арзонга олиб, бундан наф кўради.

Бозор конъюнктурасини ўрганишда таҳлил этиладиган асосий масалалар: ишлаб чиқариш, талаб ва таклиф; товар ва уни сотиш; халқаро савдо; нархлар ҳолатлари; 1-1,5 йил учун олдиндан айрим тахминлар. Бозор конъюнктураси айрим товар ишлаб чиқариш миқёсига ва сотиб олувчиларнинг харид қобилиятига боғлиқдир, нарх-навога, моданинг ўзгаришига қараб ҳар хил бўлади. Бозорнинг келажакдаги ҳолатини ишлаб чиқаришнинг техникавий аҳволи, унга сарфланган қўшимча ресурслар ва уларнинг қайтим бериш муддатлари, товар заҳираларининг динамикаси, экспорт ва импорт, шунингдек, нархнаводаги ўзгаришлар йўналишига қараб аниқлаш мумкин. Бу билан товарлар таклифи ўрганилади. Инвестиция суммаси ва структурасига, меҳнат предметига бўлган талаб ва корхона, ташкилотлар пул сарфининг йўналишига қараб, шунингдек, аҳоли харид қобилиятини, унинг товарлар билан таъминланиши даражасини ҳисобга олиб талаб ўрганилади.

Бозор конъюнктураси тахминлари миллий, регионал ва жаҳон бозорларига, айрим товарларга нисбатан аниқланади. Бозор конъюнктурасини олдиндан кўра билиш иқтисодий тангликка йўлиқмаслик, бозор мувозанатига эришиши шарт ҳисобланади.

БОЗОР МУВОЗАНАТИ — бозордаги талаб ва таклифнинг миқдоран ва таркиби жиҳатидан бир-бирига мувофиқ келиши. Бозор мувозанатини таъминлашнинг асосий йўллари: товар ишлаб чиқаришни талаб даражасига етказиш орқали бозорни тўйдириш; етарли товарлар заҳирасини барпо этиш; талабгор товарлар нархини ошириш, ўтмай турган товарлар нархини пасайтириш; экспорт ва импортнинг ортиши ёки камайиши; аҳоли даромадларининг товарлар ва хизматлар кўпайишига қараб ортиб бориши; меҳнат унумдорлигининг иш ҳақига нисбатан тезроқ ўсиши. Бозор мувозанати маърифатли жамиятда бозорни тартибга солиш орқали таъминланади.

БОЗОР МУҲОФАЗАСИ — миллий бозорнинг ёки айрим товарлар бозорининг давлатнинг экспорт-импортни тартибга солувчи тадбирлари воситасида ҳимоя қилиниши. Бозор муҳофазаси четдан товар келтиришни чеклаш, тақиқлаш ёки бож тўловини ошириш орқали амалга ошади. Муайян давлатнинг бозор муҳофазасини бартараф этиш учун бошқа давлатлар ўз территориясида шу мамлакатдан чиқарилган товарларга бож тўловини ошириб, ўз рақибини ён босишга мажбур қилади. Шу сабабли бож тўловлари ўзгариб туради. Бозор муҳофазасини четлаб ўтишнинг муҳим йўли илгари товар чиқарилган мамлакатга капитал чиқариб, муайян товарни ўша ернинг ўзида яратиш ва сотиш ҳисобланади. Масалан, Япония автомобиль фирмалари ўз товарини АҚШга киритиш йўлидаги юқори бож тўловларига чап бериш учун АҚШда ўз заводларини қуриб, чиқарилган автомобилни шу ернинг ўзида сотади. Бозор муҳофазаси мамлакатлараро савдо жангларида қўлланадиган истеҳком вазифасини ўтайди. Бир неча мамлакатлар учун умумий бозор ҳосил бўлгач, бозор муҳофазаси учун ўрин қолмайди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

Иқтисод сабоқлари

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ ЗАРУРАТИ

Биз собиқ Иттифоқ шароитида урганган иқтисодиётда қандай маҳсулот ишлаб чиқарсак, шу маҳсулотни, харидор хоҳлайдими, хоҳламайдими, унга сотар эдик. Бозор иқтисодиётида эса бунинг тескариси, яъни харидор қандай маҳсулотни хоҳласа, айни шу маҳсулотни ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Демак, ишлаб чиқаришнинг ўзи давлат режасини бажариш ёки ошириб бажариш учун эмас, балки инсон талабини қондириш учун ташкил этилар экан.

Сизу биз учун моддий неъматларни яратиб берадиган ишлаб чиқаришдаги муаммолар ечими бозор иқтисодиётида инсон учун, харидор учун йўналтирилган бўлса, марказлаштирилиб бошқариладиган иқтисодиётда сиёсатга, давлат арбоблари хоҳишига, яъни режалаштиришга йўналтирилгандир. Агар мақсадимиз халқ фаровонлигини ошириш бўлса, демак, бозор иқтисодиётига ўтиш заруратдир. Чунки тарихда бозорсиз бойиб кетган бирорта мамлакат йўқ. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти ўзўзидан ҳамма камчиликларни тезда йўқотадиган «илоҳий» куч эмаслиги ҳақида икки оғиз айтиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Баъзан матбуотда ишлаб чиқариш суръатининг пасайиши, нарх-навонинг кўтарилиши, бозор иқтисодиётини тўғираётган бошқа бир қанча камчиликларга бир оз бардош берсак, гўё тақчиллик йўқолиб, халқнинг турмуш даражаси кўтарилиб, фаровон ҳаёт бошланади, деган маънодаги тарғиботлар ҳам олиб борилмоқда. Бизнингча, ҳақиқатдан йироқ бўлган «қисқа муддатга бардош бериш» ҳақида тарғибот юргизмай, очиқдан-очиқ муштарийларга тўғрисини айтиш керак — «бозор» бу иқтисодиётининг гуллаб-яшнаши учун зарур бўлган шароитлардан биттаси, холос. Ҳамма гап шу шароитни амалда вужудга келтириб, ундан тўғри фойдалана билишдадир. Модомики дунёда ўнлаб мамлакатларда бозор иқтисодиёти тақиқланмаган, аммо шу мамлакатлар фуқароларининг турмуш даражаси бизникидан яхши эмас. Агар ўтган даврни эсласак, стахановчилар ҳаракатидан бошлаб ўнлаб зўр тадбирлар иқтисодиётимизни (демак, турмуш даражамизни) кўтаради деб тарғибот компаниялари ўтказиб келинди. Бригада пудрати, кейинроқ жамоа ташкилот (коллектив) пудрати, сўнгра тўлиқ хўжалик ҳисоби (ҳар хил моделлари билан), ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш, ижара услубининг ҳар хил турлари ва бошқа бир қатор тадбирлар, шулар жумласидандир. Лекин битта дори ҳамма касалга малҳам бўла олмаганидек, алоҳида бир энг кучли тадбир ҳам иқтисодиётни ботқоқликдан бутунлай олиб чиқиши мумкин эмас. Иқтисодий муаммоларнинг ечими унга ҳамма вақт ҳар томонлама (комплекс) ёндашишни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан қараганимизда, бозор иқтисодиётининг ижобий натижаларини таъминлаш учун ҳеч бўлмаганда яна камида икки шароитда, биринчиси, бозор иқтисодиётини замонавий талабларга мослаб маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда бошқариб бориш, иккинчиси, ҳамма соҳа ва тармоқларда узлуксиз, ақл-идрок, рақобат билан меҳнат қилиш зарур.

Замонавий талабларга мослаб бозор иқтисодиётини бошқариб бориш муаммосини жуда кенг ва чуқур маънода англашимиз лозим. Яъни бундай бошқариш тизими энг кичик ҳудудий ҳокимиятдан (масалан, қишлоқ ёки маҳалла раҳбариятидан) тортиб то мустақил республикамиз Олий Кенгашигача, тармоқлар бўйича эса алоҳида бир ҳунарманд — яратувчидан тортиб шу тармоқнинг Вазирлар Маҳкамасидаги энг масъул аппарат ходимларигача бўлган горизонтал ва вертикал табақалар механизмини ўз ичига олади. Бу механизмнинг бирон-бир қисми ёки мурвати мўлжаллангандек ишламай қолса, кўзланган мақсадга (халқнинг турмуш даражасини оширишга) белгиланган вақтда эришмаслигимиз аниқ.

Албатта, бозор шароитида бошқариш жараёни ўзгарувчан бўлганлиги учун бошқарувчиларга узгармас — стандарт маслаҳат беришнинг иложи йўқ. Аммо, бозорнинг туб маъносидан келиб чиқаётган, кўпчиликка маълум бўлган ҳаётий тавсиялар бажарилиши шарт деб ўйлаймиз. Булардан баъзиларини санаб ўтамиз:

— мустақил республикамизнинг Олий Кенгаши ҳамда халқ нойиблари фаолияти активлигини янада ошириб, иқтисодиёт ривожланиши учун зарур бўлган қонунларимиз занжирини ишлаб чиқиш, уларни жойларда жорий этилишини таъминлаш керак.

— Президент фармонлари, ижро этувчи ҳокимият қарорлари халқчил бўлиши ҳамда улар оператив ва сўзсиз бажарилиши лозим;

— маҳаллий ҳокимият билан давлат ҳокимияти бир йўналишда иш олиб боришлари ва ишлаб чиқариш жараёнида уларга боғлиқ бўлган қатор муаммоларни тўғри ечиб беришлари шарт.

Ҳозирги давр бошқарувида иқтисодий демократияга асосланган ишлаб чиқариш рақобати қанчалик тез ривожланса, шунчалик тез бозор иқтисодиёти самарадорлиги кўзга ташлана бошлайди.

Аввало ақл-идрок билан астойдил меҳнат қилиш керак. Буйруқбозлик ёки қуруқ чақириқлар билан иқтисодда юксалиш бўлмаслигини ҳаётимиз тажрибасидан ўтказганмиз. Моддий неъматлар яратиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, халққа хизмат кўрсатиш тизимларида якка ҳокимликни бутунлай йўқотиш ва улар орасида ҳақиқий иқтисодий ишлаб чиқариш рақобатини вужудга келтириш зарур. Акс ҳолда ҳалол меҳнат қилиб, моддий неъмат яратган ишлаб чиқарувчилар ҳамда пешона тери билан пул топган истеъмолчилар ютқазиб, ўртада турган воситачилар бойиб кетаверади. Бундай ҳолда бозор иқтисодиёти сиёсатига нисбатан муҳаббат ўрнига нафрат туғилади. Натижада бозор иқтисодиётига нисбатан баъзи одамларда пайдо бўлган салбий фикрни ижобийга айлантириш жуда оғир ҳам мушкул ишга айланади.

Халқ эҳтиёжини қондириш учун мустақил республикамиз хазинасини бойитиш мақсадида фаолият кўрсатадиган ҳар қандай яратувчи ишлаб чиқариш корхонаси, соҳа ва тармоқларга яшил йўл очиб бериб, уларни оёққа туриб олгунларига қадар давлат ва ҳокимият томонидан ёрдам бериб туриш лозим. Айни вақтда бозор тан олмайдиган, фақат ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқарадиган, айниқса, давлатдан қарз бўлиб (дотация ҳисобига) ишлайдиган корхоналарни зўдлик билан йўқотиш, улар ўрнига янгисини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Талаб ва таклиф кенг жорий этилишида давлат ва ҳокимият томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уни илмий асосда аниқ ҳисоб-китоб орқали бошқариб бориш талаб этилади. Яъни барча туман, вилоятларда ва бутун мамлакатимиз бўйича қандай маҳсулотлар узимизда ишлаб чиқариладию, қандай товарлар хориждан олиб келинади, деган макро-маркетинг саволларидан бирига жавоб топишимиз даркор.

Бозор механизмини бошқариш жараёнида унинг салбий томонларини, яъни ишсизликни, ижтимоий табақаланиш, кучлиларга нисбатан рўй берадиган шафқатсизликни ва ҳоказоларни камроқ оғриқ билан ўтказиб (ижтимоий ҳимояни ўрнига қўйиб), ҳамма турдаги мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, халқ фаровонлигини ошириш, меҳнаткашларни мулк эгасига (ҳақиқий хўжайинга) айлантириб, уларда тежамкорлик, манфаатдорлик, масъулият ҳиссиётларини кучайтириш ва шулар каби бошқа омиллар орқали халқ хўжалигининг баъзи соҳаларида сезилиб турган тангликдан чиқиб кетишни таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Санаб утилган муаммоларни тез ва муваффақиятли бажариш учун иқтисодий таълим-тарбия ишларини жадаллаштириб, фуқароларимизда иқтисодий саводхонликни оширишни ҳаётий эҳтиёж даражасига кўтаришимиз лозим.

Ё. МУҲИБОВ,
иқтисод фанлари номзоди,
доцент.

(Боши газетанинг ўтган сонида).

УЧҚУДУҚНИНГ УҚУВЛИ ҚИЗИ

Туз насиба тортиб кончилар шаҳри — Учқудуққа келиб ишлашга тўғри келди. Янги иш жойи менга жуда маъқул тушди. Мактабга ёш, талабчан, билимдон педагог — Гуласар Пардаева раҳбарлик қилиб келмоқда. Аввал бир неча йил илмий бўлим мудираси бўлиб ишлаб, энди ота-оналар, педагогик жамоанинг ишончи туфайли директорлик лавозимида ишлаяпти.

Гуласар Пардаевадек тинибтинчимаслик, бутун вақти, кучқувватининг кўп қисмини мактаб ишига бахшида этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ҳамма иш мактабда тўғри тақсимлаб берилган, лекин назорат устидан назорат, деганларидек, Гуласар ўқув-тарбия ишларининг қандай бажарилаётганини талабчанлик билан ҳар куни кузатиб боради. Шаҳар чўлда жойлашганлиги туфайли тез-тез шамол, чанг-тўзон кўтарилиб туради. Шунинг учун ҳатто кечқурунлари ҳам қайси синфда дераза очиқ қолган, қайси синфда электр чироғи беҳуда ёниб қолганлиги ҳам Гуласарнинг эътиборидан четда қолмайди. Бир марта эътиборсизлик қилган ўқитувчи, директорнинг самимий танбеҳидан кейин, иккинчи марта эҳтиёт бўлишга интилади. Узимча ўйлаб кетаман, раҳбар одам талабчан, ишбилармон, ходимлари билан самимий бўлса, қайси жинсдалигининг фарқи бўлмас экан. Қайси корхонада раҳбар шай туриб, ишни тўғри ташкил қилса, ўша ерда иш қунгилдагидек бўлади.

Қувончлиси шуки, мактаб директори Гуласар Пардаева ўз жамоасидаги педагогларнинг қилаётган ишларини ўнта жараён асосида биринчи ярим йиллик, иккинчи ярим йилликда баҳолаб, мактабнинг энг илғор ўқитувчиси кимлар эканлигини аниқлашга бел боғлаган. Улар янги услублардан фойдаланиш, журналларни юритиш, синф раҳбарлиги, кўргазмали қуроллардан фойдаланиш каби ўн талабдан иборат бўлиб, унда бемалол ўқитувчининг савияси аниқланади.

Шулардан кўриниб турибдики, ҳар бир ўқитувчининг қилган ишлари қадрланиб, баҳоланиб борса ишга қизиқиш янада ортар экан.

Яқинда мактабда шаҳар семинари ўтказилди. Унда берилган дарслар халқ таълими бўлими мудираси томонидан юқори баҳоланди. Яна бир гап. Мактаб шаҳарда, йил мактаби кўрик танловида қатнашиб, бажарган ишлари намунали деб топилди ва вилоят кўрик танловига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Хуллас, Учқудуқ шаҳридаги рус ва қозоқ мактаблари ичида яккаю ягона ўзбек мактабида 36 нафар ўқитувчилар жамоаси ёш авлодга таълим-тарбия беришмоқда.

Унда Г. Пардаеванинг ҳам ўз ўрни бор.

Т. ЎРОЛОВА,
ўқитувчи.

Зангиота туманидаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси Ғани Икромов болалар меҳр қўйган мураббийлардан саналади. Муаллим ўз шогирдларига расм ва чизмачилик фанидан сабоқ беради. Гарчанд ўқишлар тугаб, ёзги таътил бошланган бўлса-да, кўриб турганингиздек, Ғани Икромов ҳамон болалар даврасида — устозу шогирдлар қизиқарли машғулотларни давом эттирмоқдалар.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ТИЛИНГ БИРЛА КЎНГЛИНГНИ БИР ТУТ

Маънавият

«Тилинг бирла кўнглингни бир тут» деб ёзади ҳазрати Алишер Навоий. Яна бир байтларида эса «Сўзда, Навоий не десанг рост дегил, рост наво нағмага таҳсин дегил», деб насиҳат қилади.

Бизнинг аждодларимиз — боболаримиз, момоларимиз таълим олган муқаддас Қуръони Каримда, Ҳадисларда, халқимизнинг буюк уламолари, пирлари битган эзгу битикларида ростгўйлик ҳақида хўп ва кўп ёзилган. Балки шу сабабдан ҳам ўзбек халқининг қон-қонига ростгўйлик фазилати сингиб кетгандир.

Ўзбек хонадонида бола эндигина тили чиқиб сўзлашни ўргана бошлаган даврданоқ уни ёлғондан асрашга, ростгўй бўлишга ўргатишади. «Бошингга қилич келса ҳам тўғри сўзла», «Қингир ишнинг қийиғи қирқ йилдан ҳам кейин билинар» каби мақоллар бежиз айтилмаган, Аммо гуруч курмаксиз бўлмагани каби ҳаётдан ҳамма ҳам тўғри хулоса чиқариб тарбияланавермас экан. Умр чорраҳаларида шундай кишиларга ҳам дуч келаркансан киши. Булар ёлғонлари орқасидан кимларгадир ёқишни истайдиган, мунофиқлик қилиб ўзини ҳимоя қиладиган ёки бўлмаса кимдир унинг бир оғиз рост сўзига зор бўлганда «Ўзимни ўтга уриб нима қилдим, кўрганим йўқ, эшитганим йўқ» деб ўзини четга оладиган икки юзламачи, тили бошқа ва дили бошқалардир. Ҳаётда шундай мунофиқ одамларни учратганимда, нафратланиб кетаман. Наҳотки иккиюзламачиликка, мунофиқликка борган шу кимсалар ўша бошига дор тиксалар ҳам ростдан воз кечмаган. Марду майдон сарбадорлар авлодидан бўлса...

Муқаддас китобда гувоҳлик берилишича, бандаси кечирмаган гуноҳни Худо кечирмас экан. Ёлғонни эса ҳеч ким кечира олмаса керак. Оллоҳ фақат бир жойда ёлғон сўзламоққа изн беради. Яъни икки аразлашган қўшнини ёки эр-хотинни яраштириш учун савоб йўлида қилинган ёлғон гап. Шундан ўзгаси эса инсон учун сира мақбул эмасдир.

Халқда бир ёлғон иккинчи ёлғоннинг пайдо бўлишига йўл беради, деган гап бор. Бир марта алдоқчилик билан ўз нафсини қондирадиган, кимдандир устун келган одам иккинчи бор алдашдан ўзини тия олмас экан. Ёлғон ҳам бамисоли тузоққа ўхшайди. Мунофиқлик тузоғини тўқиётган одам асло шуни унутмаслиги керакки, бу фақат рақиб учун эмас, балки ўз имони учун ҳам тўқилаётган тузоқдир. Ҳар бир айтилган ёлғон киши иймонини емириб бораверади. Дунёдаги барча ёвузликлар боши аввало ёлғон сўздан бошланмаганмикан, деб ўйлаб қоламан. Халқда, шайтон йўлдан оздирибди, деган гап бор. Ўша шайтон дегани аслида инсоннинг ўзи ўйлаб топган ширин ёлғонлари эмасмикан? Балки дунёда сохталик, иккиюзламачилик, алдов каби иллатлар бўлмаганида одамзот бундан-да гўзал ҳаёт кечирмасмиди?

Ҳар бир халқда ўзи муқаддас билган тушунчалар, туйғулар бўлади. Булар ўша халқнинг маънавияти қадриятларининг нечоғлиқ юксаклигини ўлчайдиган мезонлардир. Агар эътибор берсангиз, халқимиз яхши одамлар ҳақида гапирганда, «имони бут инсон» ёки аксинча, ёмон киши ҳақида «иймонсиз» деб қўяди. Кишининг имонлилиги, имон саломатлиги эса, энг аввало, унинг ростгўйлиги, ҳалоллиги билан ўлчанади. Шундай экан, биз ҳам фарзандларимизни ростгўйликка, ҳалоллика ўргатмоғимиз аждодлар руҳи олдидаги қарзимиз, ҳам фарзимиздир.

Ҳидоят ОЛИМОВА.

Маорифимиз жонкуярлари

МАКТАБ ФАХРИ

Қибрай туманидаги 13-ўрта мактаб директори Абдураҳмон Кекешов бизни ўз мактаби билан таништирар экан, меҳнат фахрийси, олий тоифадаги химия-биология ўқитувчиси Сайдулла Сайдаҳмедовни алоҳида ифтихор билан тилга олди.

1957 йилда Қибрай туманидаги 28-ўрта мактабни, сўнг Навоий номли педагогика билим юртини тугатган Сайдулла йўлланма билан Бўстонлиқнинг «Мингчуқур» овулидаги мактабга келиб ўқитувчилик фаолиятини бошлайди, сўнгра Қибрайдаги 13-ўрта мактабда давом эттиради. Низомий номли Тошкент педагогика институтининг сиртқи бўлимида химия-биология факультетида ишдан ажралмаган ҳолда маълумот олади.

Сайдулла Сайдаҳмедов 1969-1979 йилларда мактабнинг илмий бўлим мудири сифатида жамоанинг, ота-оналар ва ўқувчиларнинг меҳрини қозонади. Ўзининг ташкилотчи ва тадбиркор мурабий эканлигини намоён қилади. Мана, у киши устозлик қилаётган мактаб ўқувчилари туман миқёсида ўтказиладиган кўрик-танлов ва олимпиадаларда фаол қатнашиб, фахрий ўринларни олиб келмоқда. Мактабда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш яхши йўлга қўйилгани боис С. Сайдаҳмедов Табиатни муҳофаза қилиш Республика кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган. Шундай ўқитувчилар борлиги учун ҳам Қипчоқ қишлоғидаги 13-ўрта мактаб тумандаги илғор масканлардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда «Темир қадам» ва «Қибрай» жамоа хўжаликларида меҳнат қилаётган қалби, дили пок одамларнинг барчаси шу билим даргоҳида тарбия топган, десак янглишмаймиз.

—Мен ўзим ўқитган шогирдларимни меҳнат ва ижод устида кўрганимда бошим осмонга етади, — дейди Сайдулла ака.— Меҳнатсевар, инсон-парвар, меҳр-оқибатли кишиларни тарбиялашдан ҳам ортиқ бахт бўлмаса керак.

Меҳрибон мураббий, меҳнат фахрийси Сайдулла Сайдаҳмедовнинг хонадонини ҳам бу ерда барча ҳурмат қилади. Дарҳақиқат, икки ўғил ва икки қизни тарбиялаб, элюрт хизматига йўллаган бу аҳил, оилага чиндан-да ҳавас қилса арзийди.

Қидирбой ТЎЛЕБОЕВ,
халқ маорифи аълочиси.

Таклиф

ЯНГИ ДАРСЛИК ЯРАТИЛСА...

Бугунги кунда таълим ва тарбия соҳасида қўплаб ютуқлар қўлга киритилганлиги ҳамма қатори мени ҳам қувонтирди. Шу жумладан ёшларни тарбиялаш энг асосий вазифа эканлиги инобатга олиниб, айниқса, чақириққача ёшларни тайёрлашда ҳам бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

... Кейинги пайтларда мактаблардаги ўқув-машқ қуролларининг йиғиб олинганлиги биз — бошланғич ҳарбий таълим ўқитувчиларини қийнаб қўймоқда. Боз устига бу фандан дарслик йўқ, бори ҳам эски, рус тилида.

«Минг бор эшитгандан бир бор кўрган афзал», — дейди доно халқимиз. Тўғри, дарсликдан бир режа, умумий йўналишни белгиловчи манба сифатида фойдаланиб, қўшимча адабиётлар ва матбуотда берилаётган ҳозирги янгиликлар асосида, тинмай ижодий изланишда бўлиб ўзимизнинг билимимизни бойитиб дарс ўтишимиз ўз ютуғимиз.

Дастурдаги мавзуларни ўқувчиларга ўргатишни мушкуллаштираётган яна бир сабаб ўқув режасида бу фанга 11-синф учун бор-йўғи 52 соат берилганлигидир. 10 ва 11-синфларда ўтиладиган жами 122 соат назарий, 3 кунлик амалий машғулотлар ёшларга тўлақонли бошланғич ҳарбий билим беришга камлик қилади.

Бу фанга ажратилган амалий машғулотлар соати кўпайтирилса, олимларимиз янги дарслик ёзишса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Эгамберди СУЮНОВ,
Меҳнатобод туманидаги АБу Райҳон Беруний номидаги 7-ўрта мактабнинг ўқитувчиси.

НАҚЛ ҚОЛИПИГА СИҒМАГАН СЎЗЛАР ЁКИ

ОРТИҚБОЙ ИБРОҲИМОВНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Бу дунёда нима кўп, сўз кўп. Навоий ҳазратлари «сўз хирмани» дея лутф этганларидай, қаёққа қараманг, сўз хирмони уюм-уюм бўлиб, кўкка бўй чўзиб ётибди. Турфа атворда: ранглию рангсиз, ёруғу сўник, туйғулию қуруқ ва ҳоказо. Гўёки Замин фақат сўз учун яралгандай.

Бу дунёда ким кўп, сўз дегувчи кўп. (Бунга эътирозимиз йўқ, албатта. Навоий бобомиз айтадиларку, «Сўз ким демасун, улки ихтиёрида дурур»).

Шоҳ Машраб «Мабдаи нур»ни талқин қилиб, нурнинг ибтидоси кўнгилдадир, дейди. Яна айтадики, инсон кўнгли қандай бўлса, нур ҳам ушмундоқ жилваланади. Биз ҳам Бобо Машрабга татаббуъ қилиб, сўзнинг манбаи кўнгилдир, деган хулосага келдик. Яна, инсон кўнгли нечоғли бўлса, сўз ҳам унинг қолипига яраша булади, яъникн, инсоннинг сўзи — унинг ўзи, деган ихтиро ҳам қилиб қўйдик.

***

Ортиқбой ака Иброҳимов билан суҳбат қилиб қайтгач, юқоридаги жажжи ихтирочамизни фаҳмимиз тарозусининг муъжаз тошчалари орасига қўшиб қўйдик. (Туртки учун у кишига раҳмат!).

Дарвоқе, Ортиқбой ака Акмал Икромов туманидаги 9-болалар мусиқа мактабида ўғил-қизларга дарс беради: доира, дутор ва қўшнайдан. У киши жуда оқкўнгил экан. Бинобарин, сўзлари ҳам кўнглиларидай тоза ва самимий. Устоз билан узоқ суҳбатлашдик. Кўп ва хўб гаплар бўлди. Биз бу гапларни, ўқишингиз (ўқишингиз) осон бўлиши учун, нақл қолипига ўраб, ҳукмингизга ҳавола этмоқни лозим топдик.

***

НАҚЛ. Ўн тўрт ёшида дарс айтқони учун Мулло Модарзод дер эркандурлар. Андин манқулдур: киши бир ниманикким эшитти, яна нечук унутар.

(«БОБУРНОМА»дан).

Эски Жувада Маданият уйи бўларди. Шунга қатнаганман. Рубобимни кўтариб, бориб-келиб юрардим. Ёш эканмизда, катталар рубобингни бер деса, бериб, қараб ўтиравергганмиз. Бир куни раҳбаримиз Шариф ака Салоевнинг кўзлари менга тушиб, чақирдилар:

— Бери келчи.

Бордим.

— Анчадан бери сенга кўзим тушади, келасан-кетасан. Рубобинг борми?

— Бор, — дея катта болаларга қарадим.

— Бер унинг рубобини, — дедилар. Сўнг ёнларига ўтқазиб, машқ ўргатдилар. Шушу тўгараккa қатнаб юрдим. Қўлим анча келишиб қолди. Дутор, қўшнай, доиранинг ҳам ҳавосини олдим.

Бир куни Шариф ака мени чақириб: «Бугун концертим бор. Ансамблга дарсни сен ўтасан», — деб қолдилар. Икки-уч марта шундай дарс ўтдим. Ушанда 14-15 ёшлар чамасида эдим.

***

НАҚЛ. Бир кун чалмасам ўзимни ўзим таниёлмай қоламан, уч кун чалмасам, атрофимдагилар таниёлмай қолишади, бир ой чалмасам, мени бутун халқ танимайди.

Сергей РАҲМАНИНОВ.

Мусиқадан дарс бераётганимга ҳам 30 йилдан ошибди. Шундан бери чаламиз. Акс ҳолда қўлимиз қотиб қолади. Мусиқачи учун бундан ёмони бўлмайди. Ўқувчиларимга айтаман: бизни машшоқ дейишади. Бу «машқ қилувчи» дегани. Шунинг учун ҳамма вақт машқ қилиш керак. Шундагина киши етук санъаткор бўлиши мумкин. Мусиқада эринчоқлик кетмайди. Эринчоқ киши мусиқачи бўлмайди. Ўша ҳамма билган гап санъатда, айниқса, ўрнини топган.

***

НАҚЛ. — Туя бир танга
— Қани бир танга?!
— Туя минг танга
— Мана минг танга!

Сочимиз санъатдаю шу болалар орасида оқарди. Неча йилларки доира, дутор, қўшнай буйича дарс бераман. Шу пайтгача биз учун дарслик яратилмаган. Бўлганлари ҳам мукаммал эмас. Мен доира буйича ҳам, қўшнай буйича ҳам дарслик ёздим. Айниқса, қўшнай бўйича дарслигим Ўзбекистонда ягона, манимча. Лекин чиқарадиган мард топилмаяпти. Нашриётларга борсам, ҳомий топинг, дейишади. Мана шундан бери, ётибди. Вақти-соати келиб, босилар ҳам, бу китоб. Фақат мени қуйинтиргани, бизнинг озгина эътиборсизлигимиз, холос. Чунки, бу эътиборсизлик кейинчалик қимматга тушиши мумкин.

***

НАҚЛ: Агар ўлсам мени Сиз ҳеч қаро туфроқдин ахтарманг,
Яшармен аҳли ориф кўнглини мангу макон айлаб.

Жалолиддин РУМИЙ.

Бир нарсадан хурсандман. Ҳар йили шаҳар, республика миқёсидаги танловларда ўқувчиларим совринли ўрин олишади. Бу йил ҳам мусиқа мактаблари талабалари ўртасидаги шаҳар танловида шогирдларим Шавкат Исматов (қўшнай) биринчи, Нодир Муҳиддинов ва Абдумурод Фозилов (доира)лар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Шавкатжон республика танловида ҳам биринчиликни олди.

Мусиқани эзгуликнинг куй орқали ифодаланган кўриниши деб ҳисоблайман. Қанчадан-канча шогирд етиштирдим. Ушаларнинг қалбига эзгулик уруғини қадаган бўлсам, ўзимни бахтли деб биламан. Очиғи, нокамтарлик бўлса ҳам айтай, эзгулик қилган киши ҳеч қачон унут бўлмайди.

***

Мана, Ортиқбой Иброҳимовнинг сўзлари. Биз уларни нақл қолипига ўраб бердик. Умидимиз бор, эртага уларнинг шогирдлари ҳам ўз шогирдларига айтишади: Устозимиз Ортиқбой ака деган эдиларки...

Асқар ШОКИР.

Янги турдаги мактаблар ҳаётидан

ГИМНАЗИЯ СИНФЛАРИ

Ўқув йили якунланди. Ҳозир ўтган давр фаолиятини таҳлил этяпмиз. Мактабимизда бошланғич синфлар бўйича гимназия синфлари очилганди. Ўқувчилар бундай синфларга махсус тузилган комиссия текшируви орқали қабул қилиниб, чуқурлаштирилган махсус дастур билан ўқитилди.

«Дўстлик» болалар боғчаси билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Ўртада шартнома тузилиб, ўтган ўқув йилида тайёрлов гуруҳларида ўқувчиларни «алифбодан» чиқардик. Улар 1-синфнинг биринчи чораги якунида «Алифбо» байрамини ўтказдилар. Бу ўқувчилар педагогика кенгашининг қарорига биноан 2-синфга сакраш усулида ўтказилди. Алоҳида қобилиятли болалардан ташкил топган 8 та гимназия типидаги бошланғич синфларимизда ўқувчилар чуқурлаштирилган дастур билан ўқишди. Бу ўқувчилар 3-синфдан 5-синфга сакраш йўли билан кўчирилади.

Ҳозирги кунда болаларга хорижий тилларни ўргатиш муҳимдир. Чунки Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш учун чет тилларни биладиган, зукко, тадбиркор ёшлар жуда керак. Шу боисдан ҳам мактабда инглиз тилини ўрганишга айниқса, ўқув даврида алоҳида эътибор берилди. 2,3-синф ўқувчиларига ҳафтада икки соатдан инглиз тили ўргатилди. Ҳозирги кунда эса 1996-97 ўқув йилида 1-синфга келадиган ўқувчиларга ҳам боғчада инглиз тили пухта ўргатилмоқда. Келгуси ўқув йилида бу ўқувчиларимиз мактабда инглиз тилини ўргана бошлайдилар.

Яна бир қувончли муваффақиятимиз шундаки, бошланғич синф ўқитувчи ва ўқувчилари лотин алифбосини ҳам ўзлаштиряптилар. Галдаги ўқув йилида қабул қилинадиган 1-синф ўқувчилари ҳам болалар боғчасида лотин алифбоси бўйича тайёрланишмоқда.

М. КАРИМОВА,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳридаги 15-ўрта мактаб директори.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» — БИР ЁШДА

Ҳаммамизни миллий тикланишга чорлаб бири — биридан гўзал мақолалар бериб бораётган ва аллақачон халқ зиёлилари орасида алоҳида муҳаббатга сазовор бўлган бу нашрни сиз—азиз муштарийларимиз яхши биласиз деб ишонамиз.

«Миллий тикланиш» бир йиллик қисқа муддатда катта обрў орттирди, ўз ўқувчиларига эга бўлди. Унинг саҳифаларидаги мақолаларда бугунги энг долзарб мавзулар ўта вазминлик билан таҳлил этилади, муаммонинг ечими изланилади, кўрсатиб берилади.

Ундаги мақолаларнинг кўпчилиги «Маърифат» муштарийларига ҳам мос келади. Муаллимларимиз ҳам «Миллий тикланиш»ни ўқисалар, обуна бўлсалар, асло ютқизмайдилар.

Бугун биз «Миллий тикланиш» саҳифаларидаги мақолалардан чимдим-чимдим қатралар олиб, уни меҳмон қилиш ўрнига, газетанинг энг сўнгги сонидан қуйидаги мақолани эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик.

ТАҲРИРИЯТ.

МЕН БИЛГАН ЧЎЛПОН

Чўлпон билан илк бор қандай танишганим ҳақида ёзган мақолам «Шарқ юлдузи» ойномасида ва «Адабиёт надир?» номли Чўлпон тўпламида босилиб чиққан эди. Унга қўшимча тарзда ушбу мақолани ёзишга жазм этдим.

Мен таҳсил олган таълим-тарбия техникуми Тошкентнинг Хадрасида, «Ҳамза» театрусининг илгариги биноси қаршисида жойлашган эди.

Кунларнинг бирида театру биноси олдида тасодифан Чўлпонни учратиб қолдим. Саломаликдан кейин у кишининг истаги бўйича бино ичига кириб, бир ўриндиққа ёнма-ён ўтирдик. У киши ўқишим билан қизиқиб, турли саволлар бердилар. Ушал даврда тил дарсини Шорасул Зуннун, адабиётни эса, Туркияда таҳсил олган Шоҳид Эсон афанди олиб борар эдилар. Бу кимсаларни Чўлпон яхши билар эканлар. Мен у киши олиб ўқийдиган «Сарвати фунун» мажалласини ўқиганимни айтдим.

— Тушундингизми? — деб сўрадилар Чўлпон.

— Олдин тушунмасам ҳам, кейин анча ўрганиб қолдим, — дедим.

Кейин Абдулҳақ Ҳомид, Тавфиқ Фикрат, Ризо Тавфиқ, Яҳё Камол номларини айтганимда, севиндилар. Мен: «Сиз туфайли турк адабиёти билан таниша бошладим», деб ўз миннатдорчилигимни билдирдим.

Охири сумкаларини очиб, кичик, юмалоқ бир китобча олиб, менга узатдилар ва: «Мана буни олинг, мендан сизга эсдалик. Турк адабиётида учрайдиган арабча, форсча, французча сўзлар луғати. «Луғати Ножий» дейилади. Туркча шеър, ҳикоялар ўқиганингизда ёрдам беради», деб китобни бердилар. Луғат менга кўп фойда берди.

Техникум биноси шаҳар марказида жойлашганидан Мунаввар қори, Тангриқули Ҳожи, Чўлпон, Боту, Эдбек каби зиёлилар тез-тез келиб туришарди. Булардан ташқари, Чорсудаги Кўк мачит маҳаллалик Сайдаҳмад аския деган, тўладан келган, ола байроқ тўнли, кўриниши кулгили кимса ҳам дарсдан кейин келар ва тўғри залга кирарди. Буни билгач, ўқувчилар залга йиғилар эди. Сайдаҳмад аския биз билан саломлашгач, саҳнадаги доскага турли ҳайвон ва одамларнинг кулгили ҳолатларини чизиб йиғилганларни кулдирар эди. У баъзан жонли тилда нотўғри талаффуз қилинадиган сўз ва ибораларни танқид қилар, ҳамма мароқ билан тинглар ва кулишар эди.

Бир куни дарс охирида Сайдаҳмад аския тўладан келган, бугдой ранг, ўрта ёшлардаги бир кимса билан келди. Ҳамма залга йиғилди. У одатдагидек доскага турли расмлар чизиб, залдагиларни кулдирди. Кейин ёнидаги ҳамроҳини «Шоир Хислат домла» деб таништирди. Хислат домла саҳнада бир неча шеърини ўқиди, қарсаклар бўлди. Маросим тугагач, қарасам, шу йиғинда Шоҳид Эсон, Чўлпон ҳам ҳозир бўлган эканлар. Биз Чўлпон билан қуюқ сўрашдик ва тарқалишдик.

Техникумнинг юқори синфида адабиёт соҳасида самарали ишлар қилган Ойбек, Миркарим Осим, Ҳомил Ёқуб каби бўлажак олим ва ёзувчилар ҳам ўқир эдилар. Техникумда «Бизнинг фикр» ва «Тикан» номидаги деворий газеталар чиқарди. Мен ҳам шеър ва ҳикоялар ёзиб, қатнашар эдим. Бир сонида ёшлик ҳисси билан ёзилган шеърим ҳам босилган. Ундан қуйидаги мисраларни келтираман:

Ғунчадек лабларни нозли очдилар,
Юракка муҳаббат ўтин сочдилар,
Нозли бир боқиш-ла кўнгилни олиб,
Парвариш дардга деб, ташлаб қочдилар.

Бир кун Хадрада Чўлпон билан учрашиб қолдим. Салом-аликдан кейин деворий газетадаги шеъримни кўрганларини айтиб, табрикладилар. Кейин «Уйғониш», «Булоқлар», менда борми, йўқми — сўрадилар. Бу китоблар менда йўқ эди. «Индинга олиб келаман», дедилар ва айтган кун менга тақдим этдилар. Мен у китобларни ардоқлаб, қўярга жой тополмас эдим. Ўзим ҳавас учун турли мавзуларда байтлар ёзар-эдим. Бу ёшлик, ўспиринлик даврим талаби эди. Ҳамма ёзган машқларимни уч тўдага бўлиб, бирини «Ҳаваслар», иккинчисини «Туйғулар», учинчисини эса «Муҳаббат қуйлари» деб номладим. Ҳар қайси тўдани алоҳида дафтарга кўчирдим ва Чўлпоннинг «Уйғониш», «Булоқлар» тўпламларига қўшиб, эҳтиётлаб қўйдим. Лекин уларни мен кўйган жойдан кимдир олгач йўқолган.

1926 йил бўлса керак, техникум Хадрадан собиқ прокуратура эгаллаган кўримсиз, бир қаватли бинога кўчди ва номи Наримонов деб аталди. Мудир ва кўп муаллимлар ўзгарди. Мунаввар қори, Қаюм Рамазон, Шорасул Зуннун тил дарсини, Олим Шарафиддинов адабиёт дарсини олиб бордилар. Шу даврда Чўлпоннинг «Тонг сирлари» номли шеърлар тўплами чиқди. Техникум ўқувчиларининг кўплари шу тўпламни сотиб олишди. Мен ҳам синфдошим билан китоб олгани собиқ Карл Маркс кўчасидаги китоб магазинига борган эдим. Ушал ерда тасодифан шоирнинг узини учратдим. Салом-аликдан сўнг у кишини «Тонг сирлари» нашр этилиши билан табрикладим. Чеҳраларида хурсандлик белгиси сезилди. Ёнимдаги шерикларим билан ҳам кўришдилар. Бизнинг мақсадимизни сездилар-да, китоб сотувчи олдига бориб, тўрт дона «Тонг сирлари»ни олдилар ва бизларга ўз қўллари билан тақдим этдилар.

— Мендан эсдалик. Ҳаммаларингизга соғлиқ, ўқишларингизда ютуқлар тилайман! Яхши ўқинглар! — деб қўлларимизни сиқиб хайрлашдилар.

Сезгир ва нозик табиатли шоирни мустабид тузумнинг ғайри-инсоний кирдикорлари сиқади. У аламини шеър ёзиш билан тарқатмоқчи бўлади, шу билан овунади. «Тонг сирлари»даги чуқур маъноли шеърлар унинг буюк тафаккур соҳиби, зукко ва билимдон шоир эканини кўрсатади.

Чўлпон ўз халқи ва унинг адабиёти устида тинмай қайғурди. Булар унинг ҳақиқий инсон, халқ фарзанди эканидан дарак беради.

Бирмунча вақт ўтгач, яна китоб магазинида Чўлпон билан учрашдик. Мен техникум ўқувчиларига берилган мукофот пулига «Турк адабиёти тарихи» китобидан яна олишга борган эдим. Шоир билан ҳозирги Амир Темур хиёбонига бориб, ёнма-ён ўтирдик.

Мендан «Турк адабиёти тарихи»ни ўқидингизми?» — деб сўрадилар. — Ўқиган бўлсангиз, эсингизда борларидан бир-иккисини сўйлаб беринг», — дедилар. Мен аста Абдулҳақ Ҳомиднинг қуйидаги мисраларини ўқидим:

Бир кўзлари оҳуя берилдим,
Оҳу каби душтим тоға ҳасрат.
Этмак-ла хато мулкина ҳижрат,
Эй-воҳ, на беҳуда юрулдим...

Кейин Ҳомиднинг хотини ўлганда ёзган шоҳ асари «Мақбар» ва унинг ёзилиш тарихини айтиб қуйидаги мисраларни ўқидим:

Эй воҳ, на ер, на ёр қолди,
Кўнглим тўла оҳу зор қолди...
Чиқ, Фотима, лаҳаддан, қиём эт.
Ёдимдаги ҳолинг-ла давом эт,
Бир тотли боқиш-ла бир кулиш-ла,
Айёми ҳаётими тамом эт...

Кунларнинг бирида бир танишимда Туркияда нашр этилган Исмоил Нажибнинг «Турк адабиёти тарихи» китобини кўриб қолдим ва сўраб олиб танишиб чиқдим. Китобда баъзи кимсаларнинг «Ҳомидга кўп ўрин берилган», деб айтган эътирозларига муаллиф: «Мен берганим йўқ, у узининг ҳақини олди», деб жавоб берган экан. Китобда муаллиф йигирмага яқин турк уламоларининг Ҳомид ҳақидаги фикрларини келтирадиким, шулардан баъзилари ҳали-ҳануз ёдимда. Масалан, буюк адиб Номиқ Камол «Ҳомид, хитоб учун исмингдан буюк калима билмаюрам», дейди. Файласуф шоир Ризо Тавфиқ эса қуйидагича баҳолайди. Уни «Румонтизм Ҳомидда мусоид бир даҳо бўлди. Усмонли тарихинда ҳақиқий маъноси-ла даҳои шоирона Ҳомидда вор. Биз завқ, тарз ва тасвир эътибори-ла Ҳомидла овруполи олдиқ». Холида Адиб хоним шундай дейди: «Энг чўқ Ҳомиди севдим, у қалбимизнинг-да энг самимий ошносидир». Шарқ ва Ғарб адабиёти тарихининг билимдони Муҳаммад Фуод: «Шиноси ила Камол ҳоли тамсил этдилар, Ҳомид даҳо зиёда истиқболи кўстариюрди» дейди. Адиб Али Жониб шундай дейди: «Мақбар» бутун турк адабиётидан буюкдир, фақат асл Ҳомид мактабдаги Ҳомиддан-да буюқдир?».

Чўлпон Ҳомид ҳақида берган маълумотларимдан хурсанд бўлиб: «Яна кимларни эслайсиз?» — деб сўрадилар. Тавфиқ Фикратнинг моддиюн фикрдаги ўткир шоир эканини айтиб, «Инсон малак ўлсайди, жаҳон жаннат ўларди», деганини ва «Башаринг шуйла залолатлари вор, бутини ганди ёпор, ганди топор» деган мисраларини ўқидим. Кейин: «Ризо Тавфиқни ҳам ўқидингизми?» — деб сўрадилар. Мен Ризо Тавфиқ ҳассос ва ёқимли шеърлар ёзувчи шоир бўлганидан менга ёқишини айтдим ва қуйидаги сатрларини ўқидим:

Фарқи ворми бандан шайдо
булбулинг,
Банда мафтуниям бир ғунча
гулинг,
Тутомам зорини бу дардли
кўнглинг
Ичимда кимсасиз бир ўксуз
оғлар...
Ҳей, Ризо, оҳ этсам шу
тошлар эрир,
Толеим на ажаб жилва
кўрсатир,
Ватан ҳасрати-ла банга
сас верир,
Сукудли даралар,
туманли доғлар...

Бу Ризо Тавфиқнинг ҳаётидаги бир камчилик орқали ватандан узоқлашганда ёзган шеъри. Чўлпон буларни тинглаб, охирида: «Сиз шеърларнигина эмас, таржимаи ҳолларини ҳам урганибсиз. Раҳмат!» — дедилар. Кейин мен Муҳаммад Аминбекнинг:

Ватан на Туркиядир
турклара, на Туркистон,
Ватан буюк ва муаббид
бир ўлкадир Турон. —

деган шеърини ўқиганимда, ҳайратланиб, «Раҳмат, мутолаангиз етарли экан», дедилар.

Биз узоқ гаплашдик. Чўлпон: «Турк адабиёти билан анча ошно бўлибсиз, бундан кейин ҳам ўқишингизни давом эттиринг. Сизга соғлик, хайрли ишларингизда муваффақият тилайман, хайр энди», деб қўлимни сиқиб, ўз йўллари бўйича кетдилар. Орқаларидан «Хайр», бахтимизга соғ бўлинг», деб мен ҳам йўлимда давом этдим. Бу менинг Чўлпон билан охирги учрашувим эди.

Қодир НОРХЎЖАЕВ.

Қўтлов

ТОТЛИ ТАҚДИР

Ўқитувчилик касбини ҳамма ҳам танлайвермайди. Болаларни севган кишигина «муаллим» бўлишдек улуғ бахтга лойиқдир. Болаларни эса қалби тонг шудрингидек бокира, самимий ҳаяжону, беғубор қувончга лиммо-лим кишигина сева олади.

Биз муҳтарам устоз Даврон ака Қурбонов ҳақида ўйлаганимизда худди шундай ҳақиқат парчалари ҳаёлимизни чулғаб олади. Ҳа, Даврон ака болаларни сева биладиган буюк кўнгил эгаси. Шу боис ҳам у бундан роппароса эллик йил муқаддам Бухоро педагогика институтининг тарих факультетини тугаллагач, тўпа-тўғри Ғиждувон туманидаги Районобод қишлоғида муаллимлик фаолиятини бошлади. Орадан йиллар ўтди. Тақдир Даврон акани муаллимлик касбидан юлқиб олиб кўпгина раҳбарлик лавозимларига йўллади. Бироқ, Даврон Қурбонов ҳеч қачон лоқайдлик, қоғозбозлик, кўзбўямачилик ботқоғига ўралиб қолмади. Ҳамиша эл-юрт қайғуси билан яшади. Зеро, у болаларни сева биладиган беғубор, сершавқ қалб эгасидир.

Орадан йиллар ўтиб, Даврон ака яна таълим-тарбия соҳасига қайтди. У 1981-1987 йилларда Бухоро вилояти ҳунар-техника бошқармасига раҳбарлик қилиш жараёнида у кўплаб малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда бош-қош бўлди.

Ёш авлод тарбияси, уларга Ватан меҳр-муҳаббати туйғусини сингдириш ҳозир ҳам Даврон ака Қурбонов фаолиятининг асосини ташкил этмоқда. Бухоро индустриал-педагогика техникумида ёшларга мураббийлик қилмоқда.

Жонкуяр ва фидойи инсон, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, Ҳунар-техника таълими аълочиси, кўплаб орден, медаллар соҳиби Д. Қурбоновнинг серқирра ва сермаҳсул меҳнати кўпчиликка ибрат бўларлидир.

Биз устозни қутлуғ 70 ёши билан чин кўнгилдан табриклаймиз.

А. НАЗАРОВ.

Шер-ёр, жаҳла!

ШЛЯПА

(Ҳажвия)

Қўқон — Тошкент йўналишидаги автобуслар доим тиқилинч. Қариндош-уруғни ҳамма менга ўхшаб фақат Тошкентдан орттирганми, деб ўйлаб қоламан баъзан.

Хуллас, бу гал ҳам амалтақал «қадрдон» автобусимнинг бир бурчагига жойлашиб олдим. Ичкари тўс-тўполон. Кимдир бурқситиб сигарет чекиш билан овора, иккинчи томонда «улфат»лар базми-жамшидни аллақачон бошлаб юборишибди. Хўппа семиз, терлаганидан бурнининг учларигача қизариб кетган аёл эса, нақ йўллакка қалаштириб ташланган каттакичик қопларга астойдил чўкиб кетганча (бозорчи бўлса керак) шерикларига нималардир тўлиб-тошиб ҳикоя қилиб ётибди.

Автобус божхона постига етиб тўхтаганида сув ичгим келди-ю аста ўрнимдан туриб, олдинга интилдим. Шу пайт бояги «ичиб» ўтирганлар орасидан бадбашара, овозиям ўта йўғон бир киши кутилмаганда ортимдан луқма ташлаб қолди:

— Ҳей, шляпа, нима бало, мелисаларни ўзингиз тинчитиб келасизми дейман? Ҳа.. ҳа... ҳа! — Шерикларим кулгига жўр бўлишди. Индамадим. Орқага қайтишимда эса очиқдан-очиқ таҳдид қила бошлади:

— Ҳей, шу шляпани ечиб юрсанг бўлмайдими-а?

— Сизга нима фарқи бор? — дедиму индамай жойимга ўтирдим. Афсуски, ҳақиқий томоша энди бошланган эди. Ҳалиги киши «шляпа»ни бўралаб сўкар, қолганлари бўлса маъқуллаб, тез-тез мен томонга ўқрайиб қўйишарди.

— Ҳ-ҳей, б-биласанларми, б-бу ш-шляпалар кўча кўрмаган, м-муомалани билмайди...

Бир маҳал у гандираклаганча ўрнидан туришга чоғланди. Мен билан муштлашмоқчи бўлди чамаси. Шуни ҳисобга олиб, ҳар эҳтимолга қарши ҳимояга шай турдим. Лекин шериклари қайтарди шекилли, яна сўкиш билан чекланиб қўя қолди:

— Ҳе ўша шляпанггаям!.. Қара... Йўқ... Сен мундоқ қ-қарагин. Уялмай ўтиб кетаверадими? Ҳе... Шляпа! — Улфатлар бу галги сўкишдан хохолаб юборишди. «Улфатбоши дўст»им эса бундан астойдил завқланиб, кучайгандан-кучайди:

— Ҳей, м-менга қараларинг. Эртага, албатта, уйимга боринглар, хўпми! Ана шу «шляпа» ёнимдан ўтиб кетгани учун ҳам оёғинг тагига шартта битта қўй сўйвораман. Вей, ўша қўйининг жигарини ҳали совимай туриб шундоқ сихга тортамизу «шляпа»нинг аламига яримтани очамизда, тикка ичворамиз.

Бу кутилмаган таклифни улфатлар чапак чалиб роса олқишлашди. Мен эса ҳар хил рангдаги башараларни зимдан томоша қилиб дам ҳадиксирар, дам кулгим қистарди. Бу орада беихтиёр қўлимни бошга теккиздиму, ўлай агар, қўрқиб кетдим. Қаранг, шунча сўкиш эшитсам ҳам шляпани ечмабман-а!..

Олимжон ҲАЙИТ.

Хуллас...

«БИР БОР ЭДИ, БИР ЙЎҚ ЭДИ»

Навоий ҳазратларининг *«Сўрдиларким, белу оғзидан бегил афсонае,*
Мен дедим филҳолким, бир бор эди, бир йўқ эди», **сатрларининг яна бир илҳомчиси Таиландда чиқиб қолибди. Бўйи 160 сантиметр бўлган бу қиз узунлиги 74 ва баландлиги 61 сантиметрли жомадонга жой бўлди. Бу нозикниҳолни икки япон Японияга чиптасиз олиб ўтмоқ учун шундай усулни қўллашди. Манзилга эсон-омон етиб келган олғирлар аэропорт ҳожатхонасида қизни чиқарамиз деб туришганида, полициячилар томонидан қўлга олинди.**

ИТ ҲАМ «ОДАМ»

Американинг Калифорния штати йўл назоратчиларидан бири шундай хулосага келди. Хулосанинг манбаи эса қуйидагича. Джереми Гербрехт исмли кимса Харли лақабли ити билан одат бўйича ҳар куни ўз мотоциклида сайр қилар эди. Сайрлардан бирида йўл назоратчилари мотоциклини тўхтатиб, «пассажирлар учун мўлжалланмаган жойга шахсни ўтқазиб олгани учун» жарима солишди. Мотоцикл эгаси гарчи қаршилик билдирган бўлса ҳам, назоратчилар ўз фикрларидан чекинишмади.

ЕТИМНИНГ САВОБИ ЕТТИ ПУШТИНГГА

Екатеринбург милицияси ходимлари Урал педагогика институтининг бош ҳисобчисини ҳибсга олишди. Савобдан бебаҳра қолган ҳисобчи опа икки йил давомида ўқув даргоҳидаги етим толиби илмлар ҳақини еб, бемалол энига ҳам, бўйига ҳам қулоч қўйиб юборган экан.

Қизиғи шундаки, студентларга бериладиган ёрдам пулларининг олдига, орқасига рақамлар қўшиб, ортиқчасини қуртдай санаб олиб юраверган.

ҚИРОЛИЧАНИНГ ЖАҲЛИ ЧИҚДИ

Англия қироличаси Елизавета ўз мулки ҳақидаги олди-қочди маълумотларни хуш кўрмайди. Яқинда «Бизнес Эйдж» газетаси қироличасининг мулки 5 миллиард доллар атрофида баҳоланади, дея ёзди. Бундан жуда жаҳли чиққан жаноби олиялари яширин тарзда ўз бойлигини ҳисоб-китоб қилдирди. Афсуски, натижа газета ваҳима қилганидан анча кам чиқди.

ана шунақа гаплар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти қошида ташкил этилган иқтидорли ўқувчилар педагогика лицейи 1996-1997 ўқув йили учун

ўқувчилар қабул қилади

Лицей Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан 9-синфни 1996 йилда битирган иқтидорли ўқувчиларни 10-синфга махсус тестлар ва суҳбат натижалари асосида қабул қилади.

Лицейда дарсларни институтнинг етакчи профессор-ўқитувчилари олиб борадилар. Унда асосий эътибор физика, математика, химия, биология, она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиёт, тарих, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанларини чуқур ўргатишга қаратилади.

Ўқишга кирувчиларнинг аризалари 1996 йилнинг 1 июнидан 26 июнигача қабул қилинади. Лицейга кирувчи ўқувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.

Лицей директори номига:

1. Институт ректори номига ариза.
2. 9-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси).
3. Туғилганлиги ҳақида гувоҳнома ва нусхаси.
4. Турар жойидан маълумотнома.
5. 6 та сурат (3х4).
6. Соғлиғи ҳақида маълумотнома (086 формада).

Лицей ўқувчиси сафига чуқур ўрганадиган фанига қараб физика, математика, химия, биология, она тили ва адабиёти, тарих фанларидан ўтказилган суҳбат ва тест натижаларига қараб қабул қилинади (27-29 июнда).

Лицейга кирувчиларнинг ариза ва ҳужжатлари қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳар Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103-уй, Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти биноси.

Телефонлар: 55-55-74, 55-55-76.

11-троллейбус, 135-автобусларнинг «Педагогика институти биноси» бекати.

Ҳуқуқий тарбия

ШЎХЛИК БЕОЗОР БЎЛСИН!

«Мен ҳам эдим сендек, сен ҳам бўласан мендек», деган ҳикматни билмайдиган одам бўлмаса керак. Ота-оналаримиз койиганларига қарамай, кўчада шўхлик қилиб юрганларимиз кечагидек хотирамизда. Мана бугун ўзимиз фарзандимизни тергаб турибмиз.

Халқимизда «боланинг шўх бўлгани яхши», деган гап ҳам бор. Аммо шўхлик билан шумликнинг, шумлик билан жиноятнинг ораси бир қадам эканлигини унутмаслигимиз керакка ўхшайди. Чунки Нақлиёт милицияси навбатчилик қисмига келаётган хабарлар орасида ота-онаси назоратисиз қолиб, жиноятга қўл уриб қўяётган, энг ачинарлиси эса бахтсиз ҳодисага учраётган болалар тўғрисидаги маълумотлар фикримизни исботлайди.

Мана, ёзги таътил кунлари бошланиб, ўқувчиларнинг катта қисми — битириш имтиҳонлари топширмайдиганлари вақтинчалик муддатга мактаб бағрини тарк этдилар. Биз темир йўл атрофларидаги ишлайдиган ўқитувчиларимиздан, болалар тарбияси учун масъул бўлган кишилардан, қолаверса, барча ота-оналардан илтимос қилар эдикки, ҳеч қачон фарзандларингизнинг темир йўлларга чиқиб ўйнашларига йўл қўя кўрманг. Чунки уларнинг баъзи шўхликлари туфайли дилларингиз озор чекиб қолиши мумкин.

Шу йилнинг 7 май куни Сирдарё бекатига кириб келаётган Тошкент — Гулистон поезди эндигина саккиз ёшга тўлган Акбар Потчаев деган болакайни уриб кетган. 9 май куни эса Ашгабат — Тошҳовуз поездида кетаётган ун олти ёшли Ҳамза Ҳожимуродов вагон эшигини очиб кетаётган чоғида йиқилиб тушган. Натижада бош қисмидан қаттиқ жароҳатланиб, касалхонага тушган.

16 май куни жуда ғалати бир воқеа содир бўлди. Йўловчи ташийдиган поездлардан бирининг Термиз — Учқизил бекатларидан ўтаётгани чоғида поезд қаттиқ тормозланишга мажбур бўлди. Чунки темир йўл рельси устига нимадир қўйилган эди. Термиз нақлиёт милицияси ходимларининг тезкор тадбирлари натижасида айбдор топилди. У Термиз туманидаги 22-ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиси Рустам Норбутаев экан. У уйнаб юриб, темир йўл устига больт қўйган экан.

Баъзи ота-оналаримиз узукун темир йўл ёқасида уйнаб юрган фарзандларини кўриб, бирор ҳодиса бўлиши мумкинлигини кўз олдиларига ҳам келтира олмайдилар. Агар юқоридаги воқеа айтганимиздек содир бўлса, худо кўрсатмасин, қандай даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлар эдик.

Аввало бор яхши ният қилайлик. Фарзандларимиз олдимизда чопқиллаб уйнаб юрсин. Доимий назорат қилиш ва хушёрлик ҳеч қачон панд бермаган.

20 май куни Шумилов бекатида шундай ҳодиса содир бўлди. Бир неча саёқ йигитчалар бекатда тўхтаб турган рефераж торли вагонлардан бирининг механиги Ғофур Рустамовнинг йўқлигидан фойдаланиб, унинг хонасидан 2150 сўмлик магнитафонини, соатини ва 300 сўм пулини олиб чиқиб кетганлар. Милиция ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли ўғрилар топилиб, буюмлар эгасига қайтарилди.

Маълум бўлишича, асли андижонлик бўлиб, Тошкентда дайдиб юрган Илҳом Мамажонов ва Иброҳим Аҳмедовлар ҳамда илгари судланган Рамил Сенвинцевлар шундай жиноий ишга қўл урганлар. Уларнинг орасида Тошкент авиация техникуми талабаси Жамшид Ҳакимовнинг ҳам борлиги жуда ачинарли ҳолдир. Шунинг учун ҳам фарзандларимизнинг ким билан юрганлигини ҳам назорат қилиб турганимиз яхши.

Кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун мактаб ўқитувчиларидан тортиб ҳар биримиз болаларга, уларнинг ёзги таътилни қандай ўтказаётганлигига катта эътибор билан қарасак, ўғил-қизлар саломатлиги ва келажаги учун қайғурган бўламиз.

Фахриддин АБДУРАЗЗОҚОВ,
Нақлиёт ИИБ ходими.

Беруний туманидаги очиқ турдаги «Қиёт» ҳиссадорлик жамиятига Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 7 апрель 1993 йилда берилган ПП-А/265 рақамли гувоҳнома ва унинг номенклатураси (3 бетдан иборат) йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси «Жанубий Осиё тиллари» кафедрасининг катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Зоҳид КОМИЛОВ вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Олимжон ҲАЙИТ, Асқар ШОКИР.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0321. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
1 2 3 4 5 6